45
16 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 231 (6. 422) 1987 йил 12 октябрь, душанба Баҳоси 3 тийин

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Владимир Ильич Ленининг номи ва иши асрлар оша яшайверсин!

4. Ленин гвардияси ветеранларига, революция ва Гражданлар уруши қатнашчиларига шон-шарафлар!

5. Октябрь иши, Совет Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотираси барҳаётдир!

6. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

7. Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг синалган авангарди — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

8. Коммунистлар! КПСС XXVII съездининг йўлини қатъият ва изчиллик билан большевикчасига амалга оширингиз! XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини қайта қуришда янги-янги муваффақиятлар, реал натижалар билан кутиб олайлик!

9. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қайта қуриш, жамият турмушини янгилаш революцион ишини ижодий амалга оширингиз!

10. СССР меҳнаткашлари! Экономикани бошқаришни ислоҳ қилишда фаол қатнашингиз! Иқтисодий билимларни эгалланг, хўжалик юритишнинг янги методларини, илғор тажрибаларни, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини, хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни дадил жорий этингиз!

11. Советлар мамлакатининг меҳнатчилари! Ҳамма жойда ва барча соҳада актив ҳаётий позицияни эгалланг, Ватан куч-қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамланг! Социалистик мусобақани ривожлантиринг!

Қайта қуриш жўшқинлиги—социализм ишига хизмат қилсин!

12. Агросаноат комплексининг ходимлари! Озиқ-овқат программасини бажариш учун қатъият билан курашингиз! Интенсив технологияларни, хўжалик ҳисобини ўзлаштиринг, коллектив ва оилавий пудратни кенг ёйинг, қишлоқнинг социал муаммоларини жадаллик билан ҳал этингиз!

13. Совет олимлари, конструкторлари, ихтирочилари! Куч-ғайратларни экономикани жадал ривожлантиришни, Ватан ишлаб чиқаришини жаҳондаги олий даражага олиб чиқишни таъминлайдиган туб илмий-техникавий проблемаларни ҳал этишга сарфланг!

14. Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари! Сиз иш жойингизда, меҳнат коллективингизда ва умуман жамиятда чинакам соҳиблар бўлингиз!

15. Советлар мамлакатининг гражданлари! Социалистик аҳлоқ ва юксак социал адолат принципларини қарор топтиринг! Бюрократизм ва сансалорлик, текисчилик ва текинхўрликни қатъиян тугатинг!

16. СССР гражданлари! Мамлакатни бошқаришда фаол қатнашингиз, ошкоралик, танқид ва ўзини-ўзи танқидни ривожлантиринг, социалистик демократиянинг ажралмас хусусиятлари бўлган талабчанлик ва масъулиятни оширинг!

17. Халқ депутатлари! Комплекс иқтисодий ва социал ривожланишда, халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқаруви принципларини рўёбга чиқаришда Советларнинг ролини оширинг! Меҳнаткашларни, бутун аҳолини уй-жой қурилиши программасини амалга оширишга, медицина хизматини яхшилашга отлантиринг, соғлом турмуш маданиятини қарор топтиринг!

18. Совет касаба союзлари! Партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини рўёбга чиқаришда зўр ғайрат билан қатнашингиз! Меҳнат ва жамоат интизомини мустаҳкамлангиз! Меҳнаткашлар манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилингиз, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшиланг!

19. Комсомоллар! Йигит ва қизлар! Улуғ Ленин меросини эгалланг! Юксак самара билан, ижодий, актив ишлашга ўрганингиз!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир кишининг юксак самарали меҳнати, умумий ишга қўшадиган реал ҳиссаси билан социалистик ватанни ҳар томонлама тараққий эттиришни жадаллаштирайлик, 1987 йил план топшириқларини муваффақиятли якунлайлик!

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

21. Яшасин қайта қуришнинг актив қатнашчилари, ёш ўринбосарларнинг ғамхўр тарбиячилари — совет хотин-қизлари!

22. Олий ва ўрта мактаб ходимлари! Маорифни қайта қуришни изчил амалга оширингиз! Ўқишнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамланг, ўқувчилар ва студентларнинг мустаҳкам билим олиши учун курашингиз!

23. Ўртоқлар! Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилингиз! Табиат ресурсларидан авайлаб, оқилона фойдаланингиз!

24. Маданият, адабиёт ва санъат арбоблари! Революцион ўзгартишларга, қайта қуриш жўшқинлигига ҳамоҳанг асарлар яратингиз! Жамиятни маънавий бойитишга фаол кўмаклашингиз!

25. Совет Иттифоқи гражданлари! Партия ва халқнинг революцион ўтмишини ўрганингиз! Ватан йилномасининг шонли саҳифалари тўғрисидаги хотирани муқаддас сақланг!

26. Яшасин мустаҳкам қардошларча дўстлик билан бирлашган СССР халқларининг буюк кўп миллатли иттифоқи!

27. Яшасин социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги!

28. Совет жангчилари! Жанговар тайёргарлик ва маҳоратни тинмай такомиллаштиринг, ҳарбий интизомни мустаҳкамланг! Совет халқининг бунёдкорлик меҳнатини, социализм ғалабаларини сергаклик билан қўриқланг!

Улуғ Ватан уруши ветеранларига ва интернационалист-жангчиларга шон-шарафлар!

29. Яшасин Улуғ Октябрь Ватани — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

30. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Қардош мамлакатлар ҳамкорлиги чуқурлашиб, социалистик ҳамдўстлик мустаҳкамланаверсин!

31. Коммунистик ва ишчи партияларга қизғин салом!

Барча мамлакатларнинг пролетарлари, бирлашингиз!

32. Империалистик эксплуатацияга, жабр-зулмга, янги мустамлакачиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашчиларга алангали салом!

33. Жаҳон халқлари! Ядровий хавф-хатарга қарши, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, агрессия ва милитаризм кучларини жиловлаш учун, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашга қўшилингиз!

34. Яшасин Советлар мамлакатининг ташқи сиёсати — ядросиз дунё, халқаро ҳамкорлик ва социал тараққиёт сиёсати!

35. КПСС XXVII съездининг ленинча революцион йўлидан — тинчлик ва қайта қуриш йўлидан совет кишиларининг энг яхши турмуши сари олға!

36. Яшасин Маркс — Энгельс — Ленининг буюк революцион таълимоти!

1917 1987

17 октябрь— коммунистик шанбалик куни

Якдиллик билан

3-автопарк коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ўтказиладиган шанбаликка бир тан, бир жон бўлиб чиқадиган бўлди. Корхонада шанбаликда қилинадиган ишларнинг ҳажми белгиланди ва ҳар бир участкага мутасадди кишилар белгилаб қўйилди.

Автопаркда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақа илғорлари сафи тобора кенгайиб боряпти. Юбилейгача йиллик планни бажаришга аҳд қилган шоферларнинг сони 276 кишига етди. Улар шанбалик куни юксак унум билан ишлашга аҳд қилганлар. Шу куни пландагидан бир нечта ортиқ автобус йўлга чиқади. Автослесарлар В. Кабачук, Ш. Йўлдошев, Х. Малиновлар ташаббус билан чиқиб, шу куни ҳар кунгидан кўп бешта автобусни сифатли ремонтдан чиқаришга аҳд қилдилар. Шоферлар Эргаш Мирзаҳамедов, Нурилла Исаев, Шавкат Ҳолмуҳамедов, Нозим Абдуллаев, Сандазим Султоновлар эса шанбаликда тежалган ёнилғи ҳисобига ишлаб, ўзлаб ҳамшаҳарларимизнинг узоғини яқин қиладилар.

С. СУЛТОНОВ.

Жадал суръатда

«Главташкентстрой» 153-трестига қарашли 62-қурилиш бошқармасининг И. Тен бошлиқ комплекслашган бригадаси юбилей шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келяпти. Коллектив ўтган тўққиз ойлик якуни бўйича ҳам биринчи ўринни қўлга киритган эди.

«Йиллик план — Улуғ Октябрь юбилейигача» шиори остида меҳнат қилаётган бригада қурувчилари айни пайтда Қўйлиқ массивининг 5-микрорайонида ҳар бири 440 ўринли тўққиз қаватли ётоқхоналар комплексини жадал суръатда бунёд этишмоқда. Бинокорлар объектда сўнгги босқичга қадам қўйдилар: пардоз ишлари қизғин олиб борляпти.

Кўмакдошлар

Экспериментал ишлаб чиқариш автомобиль корхонаси коллективи тўққиз ойлик планни муддатидан олдин бажариб, юбилей шарафига қабул қилган марраси сари яна бир дадил қадам ташлади. Юксак кўрсаткичга транспортчилар социалистик мусобақани тобора авж олдираётганликлари туфайли эришмоқдалар.

Корхонада «Ўроқ ва Болға» иттифоқи аъзоналарини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Мана ўн бир йилдирки, корхона коллективи Жиззах областининг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз чўлқуварларига ҳар томонлама оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Мазкур хўжаликда автокорхонанинг комплекс ремонт бригадаси мунтазам иш олиб бормоқда. Чунончи, 32 кишидан иборат ремонтчилар бригадаси мавсум бошлангунга қадар 24 та «зангғор кема»ни, 20 та прицепни, 13 та пахта тозалаш машинаси ва 9 та кўрак чувиш агрегатини сифатли ремонт қилиб берди.

Айни пайтда корхона ишчиларидан бир группаси совхоз пахта далаларида жонбозлик кўрсатиб, етиштирилган «оқ олтин»ни териб олишда чўпқувар-пахтакорларга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Уларнинг шу кунгача терган пахтаси 30 тоннадан ошиб кетди. Совхоз пахтакорлари бундай олийжаноб ният кўмакдошлардан ғоят миннатдор бўлмоқдалар.

Д. ОБЛАЕВ.

Замондошимиз



ТАШАББУСКОРЛИК НАМУНАСИ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида чеварлар ўртасидаги мусобақада Насиба Раҳматуллаеванинг ўз муносиб ўрни бор. У корхонанинг иккинчи филиалида ишлайди. Мана ўн олти йилдирки, у ўз касбига меҳр қўйиб, унн ардоқламоқда. Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада у биринчилар қаторида ўз зиммасига конкрет мажбурият олдн: юбилейгача йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди!

Жадаллаштириш программасидаги вазифаларни бажариш учун ҳамма жойда қизғин кураш кетаётган бир пайтда Насиба ҳам ўзини ана шу курашга дахлдор деб ҳисобламоқда. Тўғри-да, бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш ҳар бир ишчи-хизматчининг ўз ишига бўлган шахсий муносабатига, пок виждон билан меҳнат қилишига боғлиқ. Бугунги кунда ҳар бир ишчи-хизматчининг коллектив умумий ютуғига қўшаётган конкрет ҳиссасига қараб маънавий ва моддий рағбатлантираётганлигим ҳам қайта қуриш ва жадаллаштириш даврнинг инъикосидир. Тўғри, корхонада муаммолар оз эмас. Ҳалн кадрлар масаласини, транспорт, болалар муассасалари масалаларини ҳал этиш учун кўп иш қилиниши керак. Ассортимент бўйнча топшириқларни бажариш борасида ҳам корхона цехларида ҳалн талабчанликни ошириш зарурлигини у чуқур ҳис этади. Шунинг учун ҳам мақсади янгичасига, астойдил ғайрат билан ишлашдир!

Турмуш ўртоғи Шавкат эса мастер ёрдамчиси сифатида дастгоҳларнинг бир маромда ишлашига катта ҳисса қўшаяпти. Уларнинг корхона ютуғига қўшаётган ҳиссаларн оз эмас. Ўн олти йилдан бўён тикувчилик касбини ардоқлаб келаётган Насиба Раҳматуллаева сингари қўли гул чеварлар қанчалик ютуқларга эришмшмасин, ўзларини ғоятда камтарона тутишади. Негаки ҳалн олдинда янги марралар турибди...

СУРАТДА: Н. Раҳматуллаева.

Т. Каримов фотоси.

ДЎСТЛИК ТИЛИ

Тошкент— эсаҳонга

Республика олий ва махсус ўқув юртларида рус тилини ўрганишни яхшилаш масаласи шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультети қошидаги «Ўзбек тилшунослиги» тўгараги аъзолари ҳам ўзларининг биринчи машғулотини рус ва ўзбек тилларини ўрганишга бағишладилар.

Машғулотда тўгарак аъзолари билан биргаликда ёш тилшунос олимлардан — филология фанлари кандидати доцентлар Н. Ҳусанов, Ю. Эшонқулов, филология фанлари кандидати А. Саидниёзовлар қатнашдилар. Бунда Н. Ҳусановнинг олий ўқув юртларида рус тилини ўрганишни яхшилаш ҳақидаги суҳбати тингланди. У ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида рус тилининг тутган ўрни ва «Рус тили» дарслиги комплекс программасининг муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Ш. КЎЧИМОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг студенти.

ФАРҒОНАГА ЖЎНАТИЛДИ

Ўзбекистон Архитекторлар союзининг кўргазмалар залида намойиш этилган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий хотирасини абадийлаштиришга бағишланган мемориал-комплекс лойиҳалари Фарғона шаҳрига жўнатилди.

Бу лойиҳаларни асосан «Ўзгражданпроект» ва Ўзбекистон маданий ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Фарғона область архитекторлар бўлими ва А. Беруний номидаги Тошкент Давлат политехника институтининг архитектура факультетининг мемор-инженерлари тайёрлашган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги арафасида оташин шоир ва драматург, революция куйчиси Ҳамза таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан эълон қилинган мемориал-комплекс лойиҳалари конкурсига якун ясалади. Энг яхши деб топилган лойиҳа Ҳамзаободда, Кўксув ва Оқсув дарёлари ён бағрида қурилажак ёдгорликка асос қилиб олинади.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чет элларда манзур бўлмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотларини 40 дан ортиқ мамлакатга экспорт қиляпти. Экспорт маҳсулотларнинг деярли 80 процентн ривожланаётган ва мустақил давлатларга тўғри келяпти. Жумладан, Монголия ва Вьетнам Социалистик республикалари, Лаос бу корхонанинг асосий буюртмачилари ҳисобланади.

Ўтган ойнинг ўзида дўст Ҳиндистонга 250 минг сўмлик электроаппаратлар жўнатилди.

12 ОКТЯБРДАН 18 ОКТЯБРГАЧА

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари докторн, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.

Ўзбекистон гидрометеорология марказининг маълумотларига қараганда, шу ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳаво беқарор келиб, ёғингарчилик бўлади. Кечаси 0—5, кундуз 6—11 дараже иссиқ. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шу об-ҳаво сақланиб қолади. Ҳафта мобайнида ўртача ҳарорат 3—5 дараже иссиқ бўлиб, бу меъёрдан бироз пастроқдир.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина метеорологик маълумотлари ва профилактикаси маркази мутахассисларининг маълумотларига кўра, шу ҳафтанинг кўпгина кунлари об-ҳавонинг иккиқ бўлиб туриши беморларни бирмунча безовта қилади. Бундай пайтда беморларни шифохонада ҳам, уйда ҳам парвариш қилишни кучайтириш керак. Айниқса, юрак, томир ва мия шамоллаши, ўпка ва бўғин, полиартрит хасталикларига чалиниб, об-ҳаво шароитида ўзини нохуш сезадиган беморларга эътиборни қаратиш керак.

Юрак-томир хасталиклари, айниқса қон босими билан касалланган беморлар профилактика мақсадида врач кўрсатмасига биноан қон босимини бир маромга соладиган дори-дармонларни қабул қилишлари лозим. Бўғин ва асаб хасталикларига чалинган беморларга оғриқ қолдирадиган дори-дармонлар тегишли комбинацияда берилади. Жисмоний меҳнатни бирмунча чеклаш ва оғриқ қолдирувчи дори-дармонларни қабул қилиш тавсия этилади.



БИЗ ҲАММАМИЗ–ПАХТАКОРМИЗ

«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 10 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён

Хоразм	**1,87**	**55,90**
Сурхондарё	**1,07**	**41,36**
ҚҚАССР	**2,26**	**40,24**
Бухоро	**1,44**	**39,58**
Фарғона	**0,04**	**30,46**
Қашқадарё	**0,19**	**29,02**
Андижон	**0,13**	**24,16**
Тошкент	**0,13**	**23,18**
Наманган	**0,23**	**22,79**
Жиззах	**0,12**	**21,93**
Сирдарё	**0,10**	**21,36**
Самарқанд	**0,09**	**20,73**
Навоий	**0,29**	**20,00**
Республика бўйнча:	**0,59**	**30,41**

ТЕРИМ ЧОРЛАЙДИ

...Машина асфальт йўлни ортда қолдириб, дала йўлга бурилди. Биз Тошкент область Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози партком секретари билан ветеранлар бригадасига йўл олдик. Партком секретари У. Усмонов бу коллектив хўжаликдаги кўпгина ташаббусларнинг ижодкори эканлигини таъкидлади. Мана ҳозирги долзарб дамларда оқсоқоллар четда қолишмаяпти. Улар барча ишларини четга қўйиб, колхозга ҳосилни йиғиштириб олишда кўмаклашяптилар.


Пахтазор бошида шофёр машинани тўхтатди. Бу ерда соч-соқоли оқарган қариялар пахта теришарди. Иш қизғин. Уруш ва меҳнат ветеранлари ёшлардан ортда қолишни исташмайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Колхоз раҳбарлари ҳам қарияларга катта эътибор берадилар. Ёзда ветеранлар учун республикамиз шаҳарлари бўйлаб махсус экскурсиялар уюштирилди. Улар Қўқон, Марғилон шаҳарларида, шунингдек Тошкентда ҳам бўлдилар...

— Биз учун «инсон омили» оддий луғатдаги сўз эмас,—дея тушунтирди колхоз раиси Б. Ҳасанов. — Энг муҳими одамлардир. Ҳосил тақдири ҳам уларнинг қўлида. Шунинг учун уларга баракали меҳнат қилиш ва дам олиш учун барча шароитларни яратишимиз, ғамхўрлик кўрсатишимиз керак.

Йиғим-терим пайтида ҳар бир дақиқа ғанимат. Шунинг учун ҳам пахтакорлар эрта тонгдан қош қорайгунча далада. Магазинларнинг иш графиги ҳам ўзгарган. Дала шийпонларига кўчма дўконлар кела бошлади.

Колхоз механизаторлари ғайрат билан ишлашяпти. Улар ҳар куни ўз комбайнлари бункеридан 8—10 тоннадан оқ олтин тўкмоқдалар. Уларнинг иш куни қоқ ярим кечада — соат иккида тугайди... Яқинда хўжалик механизаторларининг бир группаси зарбдорона меҳнати учун радиоприёмниклар билан мукофотланди.

«Қизил Октябрь» колхозида пахтадан мўл ҳосил яратилди. Айни пайтда йиғим-терим ишлари юксак суръатда олиб бориляпти.





Акмал Икромов райониданн «Шарқ юлдузи» ва «Оқтепа» маҳаллаларн аҳолисндан 80 га яқнн кшш Янгнйўл районндаги «СССР 60 йиллиги» номли колхозда бўлнб, ҳммат кўрсатдилар. Улар кун бўйи эгатлар оралаб этак-этак пахта тердилар. Табаррук саксон ёш юзнни кўраётган Абдужалнл Абдукаримов, 394-болалар боғчаси ходимлари Роза Пнхасова, Акида Маҳмудова ва бошқалар баракали меҳнат қилишди.

Районнинг барча маҳаллаларида қўллаб-қувватланган бу ташаббус изидан кўплаб отахонлар, онахонлар пойтахт областидаги далаларга отланмоқдалар.

И. АШРАПОВА.

СУРАТЛАРДА: шаҳарликлар далада.

Ленинградликлар ташаббусига—кенг йўл

ИНСОН ОМИЛИНИ АКТИВЛАШТИРИБ

Иқтисодий ва соцнал проблемаларни ҳал этишда инсон омилини активлаштириш кўп жиҳатдан кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга боғлиқдир. КПСС XXVII съезди қарорларини оғишмай амалга ошириб бораётган «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз ишларини ҳозирги кун талаби даражасида қайта қуришга киришган. Бирлашмада Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида ўн иккинчи беш йилликнинг иккн йили планларини бажаришга сўз берган бригадалар кўпчилиги ташкил қиладн. Бу ерда меҳнатни икки ва уч сменада ташкил этиш имкониятларидан айниқса унумли фойдаланилмоқда.

8-қуйиш, 5-механика йиғув ва 2-пластмасса цехларида уч сменада тўла қувват билан иш олиб борилаяпти. Корхонада ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва меҳнат қилишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Иш вақтини бекорга сарф қилинишига, меҳнат интизомининг бузилишига қарши муросасиз кураш кучайтирилган. Бирлашма территориясида озиқ-овқат, саноат моллари ва мева-сабзавот магазинлари уч смена ишчиларига ҳам бирдек хизмат кўрсатаётир. Магазинлар аниқ иш соатига эга. Ана шу план асосида ишчиларнинг ўзларига керакли озиқ-овқат маҳсулотларини дам олиш соатларида ёки ишдан сўнг харид қилиш имкониятн яратилаётир.

3 та ошхона ва 2 чойхона ишчилар хизматига берилб қўйилган. Қўли гул пазандалар ширин таомлари билан меҳнат аҳлини хушнуд этишмоқда. Бу ерда медицина хизматн ҳам тўғри йўлга қўйилган. Медицина пункти кечаю-кундуз ишлайдн. Навбатчи врач ва медицина ҳамшираси ишчилар соғлиғини назорат қилиб турншадн. Яқинда бирлашма ёнида Олой бозорининг филиали очилдн. Бу билан ишчиларнинг ишдан сўнг бозорма-бозор югуриб юришларига чек қўйилдн. Газета ва журналларнинг янги сонларини ишчилар бирлашма территориясидаги «Союзпечать» киоскасидан олишлари мумкин. Иккинчи ва учинчи сменаларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг фарзандларн учун бирлашмага қарашли 255-ва 127-боғчада махсус группалар очилган. Бу группаларда моҳир тарбиячилар машинасозларнинг фарзандларини меҳр билан тарбияламоқдалар. Кечки сменаларда ишлаётганларни ишга олиб келиш ва ишдан сўнг уйларига олиб бориб қўйиш учун махсус автобуслар ажратилган.

Бирлашма Тошкентдаги 105 ва 88-ўрта мактабларни оталиққа олган, яъни ўқув йили бошлангунга қадар мактабларнинг синф хоналари сифатли ремонтдан чиқарилиб, ўқувчиларга туҳфа этилдн. Корхонада ҳар олти ойда «Энг яхши ёш ишчи» конкурси ўтказилади. Ўтган ой якунларига кўра бу конкурснинг ғолиби 5-механика-йиғув цехининг токарн Бекзод Отажонов бўлдн. Бекзод тежамкорликка эришган ҳолда браксиз ишлаганлиги, меҳнат интизомига қатъий риоя қилганлиги, бирлашма ишчилари ўртасида энг юқори кўрсаткичга эришганлиги туфайли бу шарафга сазовор бўлдн. У бирлашма партия ташкилоти ва касаба союз ташкилотининг фахрий ёрлиғи ва пул мукофоти билан тақдирланди. Энди у «Машхлопководство» бошқармасида ўтказиладиган заводлараро «Министрлик»нинг энг яхши ишчиси» конкурсида қатнашади.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилдн. 5-механика-йиғув цехи катта биносининг 2-қаватида ишчиларнинг малака ошириш курси очилдн. Бу ерга 15 та токарлик, пармалаш, силлиқлаш станоклари ва автоматик бошқарув станоклари ўрнатилдн. 42-ҳунар-техника билим юртнни битириб келаётган ёшлар мана шу курсда амалий синовдан ўтадилар. Бу курсга ўз касбини устаси бўлган малакали ишчи мутахассислардан Валерий Каверин, Андрей Дуков, Анвар Устажалиловлар раҳбарлик қилишади. Ёш ишчилар билим юртида олган назарий билимларини илк маротаба мана шу ерда практикада қўллайдилар ва дастлабки синовдан ўтадилар. Касбга қизиқиши йўқ, ишга масъулнят билан қарамайдиган ёшларни бу ерда айниқса жиддий синов кутадн.

Ишни икки сменада ташкил этиш айниқса 8-қуюв цехида намунали ташкил этилган. Цехдаги 8 та бригада унум билан ишламоқда. Цехда 20 граммдан 12 килограммгача бўлган 120 хилдаги қишлоқ хўжалик машиналарининг деталлари қуйилади. Ишни икки сменада ташкил этиш натижасида цех 9 ойлик план-топшириқларини ортиғи билан бажарди. Ишчилар бугунги кун талабини юракдан ҳис этиб, зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Коммунистик меҳнат зарбдори Борис Черкасов етакчилигидаги бригада чўян қуйиш учун форма тайёрлайди. Формалар махсус қоришма билан тўлдирилиб, қуювчиларга узатилади. Яна бир бригада, Рафис Хазнев бошчилигидаги коллектив иккинчи сменада тайёр формаларга чўян қўяди. Маҳсулот тайёр бўлгач, ҳар иккала бригададан қолган 6 кишн бу маҳсулотларни саралаш, ортиш ва формаларнн тозалаш билан учинчи сменада машғул бўлишади. Иш вақти бекорга сарфланмайди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига нисбатан 13 процент ошдн.

Бу икки бригада мусобақалашиб ишламоқда. Борис Черкасов бригадаси август ойи планнни 116 процент, Рафис Хазнев бригадаси эса 110 процент қилиб уддалади. Ишчилар ўзаро мусобақалашиб, ҳар қачонгидан ҳам самарали ишламоқдалар. Турдош касбларнн ўзлаштириб олган моҳир ишчилар Виктор Прудников, Фанил Шергазин, Вячеслав Петруньялар кунлик смена топшириқларнинг 1,5—2 ҳисса қилиб бажармоқдалар.

Бирлашмада ишчиларнинг яхши дам олишлари учун ҳам ҳамма шарт-шароитлар яратилган. 21-асбобсозлик цехи дам олиш хонаси замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Атеист бурчаги мавжуд. Бу ерда атеизм ва динга алоқадор китобларнинг 20 га яқин хили бор. Газета ва журналларнинг янги сонлари столлар устига тахлаб қўйилган. Шахмат-шашка, рангли телевизор, радиоприёмник ишчилар ихтиёрида. Ишчиларнинг бугунги кун талабини ниҳоятда англаётганликлари, ишга янгича ёндашаётганликлари кишини қувонтиради.

— Ишчи дам олиш соатини қанчалик яхши ҳордиқ чиқариб ўтказса, — дейди кадрлар ва маиший хизмат бўйича бирлашма директори ўринбосари Эргаш Исатович Бойметов, — унинг меҳнати шунча унумли бўлади. Бирлашма маъмурияти ана шундан келиб чиқиб, ишчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитларни яратмоқда. 10 та цехда дам олиш хоналари ташкил этилдн. Замонавий мебель ва радиоаппаратлар ўрнатилдн. 10-цехнинг дам олиш хонаси тез-тез ишчилар билан гавжум бўлиб турадн. Биз бу ерда меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашувлар ташкил қилаяпмиз. Шанба кунлари ёшлар дискотекаси уюштириб турилади. Яқинда оби нон цехи ва сомсахонани ишга тушириш мўлжалланаяпти. Илгари оби нон цехи ишчилари кунига 2—3 минг дона нон ёпишар эди. Оби нонга талаб катта бўлганлиги сабабли цехни реъконструкция қилиб кенгайтирдик ва ёнига сомсахона ҳам қурдик.

Асосий муаммоларимиздан бири бу, уй-жой масаласидир. Яна бир муаммо шуки, бирлашманинг клуби йўқ. Бир неча йил илгари лойиҳа тайёрланган. Маблағ ажратилиб бирлашма ёнидан жой текисланган-у, шундайлигича қолиб кетган. Ҳозиргача бу қурилишни амалга оширишга киришилмадн. Бирлашма ишчилари учун стадион қуряпмиз. Стадион 1988 йил ишга тушади. 1988 йилдан бошлаб биз ҳам хўжалик ҳисобида 105 квартирали 2 та уй қуришни планлаштиряпмиз. Ишчиларга ғамхўрлик, ёрдам, талабчанлик қанча ортса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунча ортади, эгалланаётган маррани шунчалик яқинлаштирадн.

С. ИКРОМОВ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Совет газини етказиб бериш тўғрисида би

АФИНА. Бу ерда Грецияга совет табиий газини етказиб бериш тўғрисидаги бош битим имзоланди. Совет томонидан ҳужжатни ташқи савдо министрининг ўринбосари В. С. Королев, Греция томонидан саноат, энергетика ва технология министри А. Пепонис имзоладилар. 25 йил муддатга мўлжалланган битимга кўра Болгария территорияси орқали ўтган газ қувуридан 1992 йилдан бошлаб Грецияга газ етказиб берилади.

А. Пепонис тузилган тимнинг аҳамияти тўғ да гапириб, бу ҳозирги ция ҳукуматининг манбаларини диффере циялаштиришга қарат сиёсий йўлини рўёбга риш тадбирларидан эканлигини уқтириб У шунингдек, совет фойдаланиш, энг авва тика областида ва Аф атроф-муҳитни муҳофа лиш проблемасини даражада ҳал этиш ни беради, деб уқтирди.

«НОВОЕ ВРЕМЯ» ЖУРНАЛИГА ҚАРШ СУД ПРОЦЕССИ ТУГАДИ

ПАРИЖ. Бу ерда «Америка граждани Линдон Ларуш ва «Европа ишчи партияси» (ЕИП) «Новое время» журналига қарши қўзғатган суд процесси тугади.

Ларуш — АҚШ ҳамда Ғарбий Европадаги кўп мамлакатларда ҳаракат қилаётган халқаро антикоммунистик ташкилот — ЕИПнинг идеологи ва амалдаги раҳбари. ЕИПнинг моҳиятини ва Ларушнинг сиёсий қиёфасини фош қилиб ташлаган совет ҳафталик журналига қарши суд иши қўзғатган эди. «Новое время» хулосалари жуда кўп фактларга асосланган бўлиб, бу фактлар «Европа ишчи партияси» бошлиғини ирқчи ва янги фашист сифатида характерлаб беради.

Ларуш ва унинг атрофидагилар суд даъвоси ёрдамида «етказилган маънавий зарар учун» анча ҳақ тўлашни, «туҳмат» учун ошкора кечирим сўрашни, журналнинг ЕИП ҳақида материаллар босган соқдир мусодара қилишни этишга уриниб кўрдилар.

Бу «иш» юзасидан процесси Парижда 1 куни бошланган эди. «Н время» вакили суд мажсига икки марта Журнал манфаатларини моя қилиш француз ади ти Жоэ Норманга топшр ди. Яқинда Парижнинг даражадаги суди ҳукм қарди. Мана ўша ҳукм мазмуни:

Ларушнинг ҳамма да лари рад этилди. «Новое время»га даъволарининг ҳамма далари бўйича топилди. Ў етказган зар учун журнал редакцияси ҳақ тўлашга мажбур.

Бу ишда фақат «Н время» журналигина бошқа совет оммавий ахборот воситалари фаол, ҳужумкор позицияда турганлиги туфайли янги фашистлар партиясининг бошлиғи маглубиятга учради.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● БРЮССЕЛЬ. Бу ерда Туркия Коммунистик партияси билан ишчи партияси ўзлари бошлаган қўшилиш ва бирлашган сиёсий партияни тузиш жараёни ниҳоясига етганлигини эълон қилдилар.

«Ўз мамлакатида тақиқланган ва маъмурлар сайловда қатнаштирмаган икки сиёсий партия — Туркия Коммунистик партияси билан Туркия ишчи партияси қўшилиш хусусида музокаралар ўтказдилар. Бу музокаралар тугади», — дейилади иккала партия Брюсселда тарқатган қўшма ахборотда.

Ахборотни Туркия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хайдар Кутлув билан Туркия ишчи партиясининг Бош раиси Бехижи Бўрон имзоладилар.

● БАНГКОК. Шу кунларда Таиланд парламентининг депутатлари мамлакат пойтахтини кўчириш масаласини муҳокама қиляптилар. Бангкокдан 200 километр жануби-шарқдаги район шаҳри энг маъқул жой ҳисобланмоқда. У ерда яхши замонавий йўл бор, шаҳарнинг бизнес чуқур сувли порт ҳамда яхши аэродром жойлашган. Парламентдаги муҳокамалар чоғида пойтахтни кўчириш керакликига анчагина асос сабаблар айтилди. Бирлардан, Бангкок денгиз сатҳидан пастда жойлашган ва сув аста чўкиб бормоқда. Баъзи районларда йиллик 10 сантиметр чўкмоқда. Учинчидан, маъмурлар ташкилотларига, транспорт тиқилинчларига қарши кураш, шаҳарни ифлос сув билан таъминлаш каби проблемаларни ҳал этиш учун миллиард-миллиард бат сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Ниҳоят бугунги кунда Таиланд пойтахти осмонўпар бинолар, ибодатхоналар, тезюрар автомобиль йўлларигина эмас, шу билан бирга кулбахоналардан ҳам иборатдир. Шу куни хоналарда Бангкокдаги ҳар 5 кишининг бири — 1,2 миллиондан кўп киши яшамоқда. Кўчиб ўтиш натижасида шу кескин масалаларни этишдан қутулиш мумкин лар эди.

Объективда—Туркия



Туркиянинг энг гўзал жойларидан бири — Ўрта ер денгизи соҳилларидир. Негаки бу ерда қишда ҳам ўн беш-йигирма даража иссиқ бўлади. Анталья шаҳри (суратда) кўкўк дов-дарахтлар билан қопланган. Унинг аҳолиси асосан балиқчилик ва савдо билан шуғулланади. Антальядан ёз бўйи туристлар аримайди. Бу ерда қадимги Рим, Византия ва бошқа маданият ёдгорликларини кўриш учун туристларнинг кети узилмайди.

В. Куницин фотоси.

КАРТОШКАЧИЛИК Д А РЕВОЛЮЦИЯ

Калейдоскоп

Лимада жойлашган Халқаро картошкани тадқиқ этиш маркази эълон қилган мақолаларга қараганда, картошканинг ниҳоятда серҳосил уруғини яратиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқот ишларида муайян муваффақиятларга эришилган.

Ҳозир бир гектар майдонга картошка экиш учун ерга қарийб 2 тонна картошка уруғини кўмишга тўғри келади. Мабодо, чидамли ва юқори ҳосилли картошка уруғини яратишга муваффақ бўлинса, ана шунча майдонга атиги ярим литр сиғимдаги уруғлик керак бўлади, холос.

ПОЛИЦИЯЧИЛАР УЧУН САБОҚ

Никосиядаги - банклардан бирнга бостириб кирган йигит: «Дарҳол менга ўн минг доллар чиқариб беринглар, акс ҳолда сизларни ҳам, ўзимни ҳам портлатиб юбораман — чамадоним ичида бомба бор!» деб буюрди.

Қўрқиб кетган кассирлар унга дарҳол айтилган суммани топширишди ва орадан кўп ўтмай ундан кайтариб олишди. Бу сохта босқинчилик эди. «Кирикас» газетасининг репортёри Деметрис Маримас ана шу йўл билан Кипр пойтахтидаги банклар етарли даражада муҳофаза қилинмаётганлигини исботлади.

Жанговар атеизм

№ 10 (148)

Ҳаёт билан боғлаб

Йилнинг бошида Ҳамза район «Оқ уй» маҳалласида хотин-қизлар совети тузилган эди. Советга маҳаллада яшовчи жамоатчи активлардан беш киши аъзо қилиб сайланди. 156-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси М. Абдураҳмонова раис, 15-болалар поликлиникасидан, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан, шунингдек пенсионер-ўқитувчилар ва кўп болали оналардан совет аъзолари ўз фаолиятларини кучайтириб юборди-лар.

Долзарб масалалар анчагина тўпланиб қолган экан. Совет аъзоларига маслаҳат, таклифлар, шикоятлар билан учрашаётганлар жуда кўп. Кимдир келин туширяпти, қиз чиқариши, янги чақалоқ туғилишини нишонлаши керак. Бу анъаналарни ихчам ва замонавий, дидли ўтказиш тўғрисида кўпчилик маслаҳатга муҳтож. Қайнана-келин, келин-куёв можаролари ҳам йўқ эмас. Атеистик тарбия муаммолари бор. Хуллас, советга иш етарли.

Шуларни эътиборга олиб совет аъзолари қўшнилардаги илғор тажрибаларни ўрганиб, янги урф-одат, анъаналарни кенг жорий этиш, атеистик тарбия бўйича ишларни қизитиб юборди. Пухта план тузилди, ҳар ойда камида бир марта совет йиғилишини, ҳар кварталда эса совет ҳисоботини кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилишни маъқул деб топишди.

Шунга асосан 216-мактаб залида маҳалла хотин-қизларининг умумий йиғилиши чақирилиб, дастлабки натижалар муҳокама қилинди. Ҳаётимизда ҳали ҳам сақланиб келаётган, турмушда учраб турадиган, фаровон социалистик ҳаётимизга ёт эски урф-одатлар, хурофот ботқоғидаги расм-русмлар, диний маросим ва ақидалар сақланаётганлиги уқтирилиб, уларга қарши кураш барчанинг бурчи эканлиги айтилди. Шу мақсадда совет фаолиятининг асосий вазифалари белгиланди. Биринчи навбатда тўйларни камтарона, ортиқча исрофгарчиликсиз, замонавий қилиб ўтказиш, эскича тоғора кўтариш, латта-путталарга чек қўйиш, ҳар қандай ортиқча дабдабани йўқотиш, тўй ва маъракаларга диний маросимларни аралаштирмаслик ва бошқалар тўғрисида гап борди.

Белгиланган бошқа тадбирлар қандай ўтаётганлигини кузатиш учун ўзига хос тармоқ группалари тузилиб, уларга коммунист-пенсионерлар биркитиб қўйилди. Шундай қилиб, совет аъзолари жамоатчилик билан доимо алоқада бўлиш, уларни ҳаётидан хабардор бўлиш, атеистик тарбияни ҳаёт билан яқиндан боғлаб олиб боришга интилмоқдалар. Дастлабки қадамлар чакки эмас, эндиликда бу ишларни янги поғонага кўтариш ҳақида жиддий ўйламоқ керак!

Н. РАЗЗОҚОВА.

Навбатдаги машғулот

Чилонзор районидаги «Олмазор» кафесида атеистик клуб ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлганн йўқ. Аммо райондаги маҳаллаларда ис. тиқомат қилувчилар унинг доимий тингловчилари бўлиб қолишди. Улар билан мунтазам равишда машғулотлар олиб борилмоқда.

Яқинда атеистик клубнинг навбатдаги машғулотн бўлди. Республика санитарня маорифи уйи қошида ташкил этилган медик атеист-лекторлар группаси аъзоларн — медицина фанлари кандидати Т. Ҳасанов, Ш. Шомуҳамедов, Ж. Ғуломов ва А. Эргашевларнинг «Медицина ва диний хурофотлар» мавзуидаги бир қатор суҳбатлари тингландн. Жумладан, лекторлар ўз сўзларида медицина фани касалликларни даволашда тўпланган тажрибалар, фан ютуқлари, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси ошиб бораётгани, шунга қарамай ҳали ҳам айрим кишилар хатти-ҳаракатида диний сарқитлар ва бидъатлар, сохта табибларга мурожаат этишлар учраётгани, улар шифо истаб «муқаддас жой» ва «қадамжо»ларга сиғинаётгани каби фактларни келтирдилар. Лекторлар айрим «кароматчи»ларга ишонниш оқибатида дарднни ўтказиб юборган, оддий касалликни оғир асоратли касалликка айлантириб, ўз ҳаётнни жиддий хавф остига қўйган кишилар ҳаётидан мисоллар келтирдилар.

Машғулот қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Ш. ТОҲИРОВА.



Кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган атеистик бурчак доимо гавжум бўлади. Бу ерда ишчи-хизматчилар атеистик тарбияга доир қизиқарли материаллар билан танишадилар, ҳаётимизда учраб турадиган хурофотларнинг зарарини чуқурроқ билиб оладилар.

СУРАТДА: атеистик бурчакда.

Х. Шодиев фотоси.

Ойда бир марта

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги Абдулла Набиев номли маҳалла шаҳримиздаги намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Маҳаллада 400 дан ортиқ хонадон бўлиб, уларда 2 мингга яқин киши яшамоқда. Маҳалла комитети (раиси Ғани Аъзамов) аҳоли ўртасида сиёсий-оммавий ишларни яхши йўлга қўйган.

Маҳалла комитети қошида алоҳида лекторий ташкил этилган. Унинг машғулотларига маҳалла активларидан Исматулла Кабиров, Раиса Раҳимова, Акмал Иноятов, Назриддин Шамсиддинов ва Ҳолид Олимжоновлар бошчилик қилади. Ҳар ойда бир маротаба бўладиган лекторий машғулотларида олий ўқув юрти, мактаблар ва район «Билим» жамияти лекторлари ранг-баранг мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказадилар. Айниқса кейинги кунларда атеистик мавзуларда ўтказилган суҳбатлар кўпчиликда қизиқиш уйғотяпти.

Яқинда ўтказилган йиғилишда Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси Н. Илҳомжонов «Аҳолини атеистик руҳда ва янги анъаналар руҳида тарбиялаш» мавзуида лекция ўқиди. Фалсафа фанлари кандидати Хушбоқ Раҳимов «Янгича анъаналар ва атеистик тарбия» мавзуида суҳбат олиб борди.

Бундан ташқари шу йил давомида «Ветеранлар кечаси», «Ҳужум»нинг 60 йиллиги» ва «Алкоголизм — соғлиқ душмани» каби мавзуларда қизиқарли кечалар ташкил этилди. Амалга оширилган ишлар маҳаллада эски урф-одатларнинг барҳам топишига ва янгича анъаналарнинг ривожига катта ёрдам беряпти.

— Ҳозир бизнинг маҳалламизда, — дейди маҳаллада тўй ва маросимларни ўтказишга масъул этиб тайинланган Абдураҳмон Фаҳриддинов, — тўйлар ичкиликсиз, ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтмоқда. Тўй олдидан фотиҳа ўтказиш, шунингдек чарлар, бешик тўйи барҳам еди. Айниқса, ноннинг исроф бўлишига мутлақо йўл қўймаяпмиз. Маҳалламиздаги тўй ва бошқа маросимларда ўз нонвойхонамиз хизмат қилади. Олдиндан зарур миқдордаги нон буюрилади. Ҳозир маҳалла аҳолиси нонвойларимиз Асрор Солиҳов ва Равшан Қодировлардан миннатдор. Улар ҳар куни эрталаб нон тайёрлаб, маҳалла аҳолисининг нонга бўлган эҳтиёжини таъмин этмоқдалар.

Маҳалла амбулаториясида хизмат қилаётган врач Руҳия Қодирова, ҳамшира Насиба Раҳмонбердиева аҳолининг соғлиги учун доимо қайғуришмоқда. Маҳаллада ташкил этилган бичиш-тикиш тўгарагида 20 дан ортиқ хотин-қизлар актив иштирок этмоқда. Хотин-қизлар ўртасида атеистик тарбияга эътиборни кучайтиряпмиз.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Қизиқарли суҳбатлар

Шаҳримиздаги Абдулла Қодирий номли маданият уйи кишилар билан доим гавжум бўлади. Турли тўгарак ва клублар машғулотларига актив қатнашиб келаётган ёшлар учун атеистик темаларда лекция ва суҳбатлар тез-тез уюштирнб турилади.

Бундай қизиқарли тадбирларни амалга оширишда маданият уйи ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Атеист» клубининг хизмати катта бўлаяпти. У ўзининг бой тематик иш планнга эга. «Дин ва фан», «Ислом дини ва хотин-қизлар» деган туркум мавзуларда ташкил этилган савол-жавоб кечалари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Тошкент ҳисоб-кредит техникуми, 42-ҳунар-техника билим юрти талабалари учун уюштирилган суҳбатлар ҳам жуда мазмунли бўлди. Бу каби лекция ва суҳбатларни ўтказишда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари, республика илмий--атеизм уйининг ходимлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

С. ОДИЛОВА.

Ёзган хатингизни олдик

ТОШКЕНТ-83, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-уй.

Ёш авлодни атеистик руҳда тарбиялаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Қўни-қўшниларникида тўй-маъракалар бўлиб туради. Бировникида тўй бўлса, бировникида аза. Аммо ҳайит кунлари ўтаётган маъракаларнинг қайси бири хурсандчилигу, қайси бири хафагарчилик эканлигини билиб бўлмайди. Мен ўзим студентман. Биз ёшлар 20—25 тоғорада нарса кўтариб, ҳайитлик ўтказиш каби эски урф-одатларнинг барҳам топиши учун курашишимиз керак.

С. ХАЛИЛХУЖАЕВА,
Чилонзор район, 2-проезд ХТ, 124-уй.

«Тошкент оқшоми»да атеистик мавзуларда берилган материаллар орасида «Бу илатга нима дейсиз?» мақоласи эътиборимни тортди. Мен келин бўлиб тушганимдан кейин орадан бир ой ўтгач, эски урф-одатимиз бўйича уч кун ҳайит қилдим. Онам топганутганларини пиширнб, укаларимдан уйга бериб юборибди. Ўша кундан бошлаб ширин турмушимизга нордон сўзлар аралашадиган бўлиб қолди. Қайнанам «У нарса кам, бу нарса кам» деб сўз қотар, мен гап қайтара олмасдим. Хуллас, менинг уйимга галагала бўлиб қиз-жувонлар, мактаб ўқувчилари келиб-кетишди. Ҳайитнинг иккинчи куни ишхонамдан келишди. Уларга яна овқат, мева-чевалар қўйилди. Ҳайитнинг учинчи куни жажжи қизалоқлар билан уйимиз тўлиб кетди. Уларнинг ҳаммасига эгилиб салом беришга тўғри келди. Муштаккина қизлар «Кўп яшанг, келинпошша» дейишарди. Бўш жой йўқлигидан қўшни хотинларни ўтказишга жой тополмай қолдим. Ўз-ўзидан қайнанамнинг асаби бузилди. Ниҳоят, қайнанамнинг ишхонасидан ҳам хотин-қизлар келишди. Уларга ҳам овқат тортдик. Яшириб нима қиламан. Уларга коньяк қўйишга тўғри келди. Кабоб тортдик. Хуллас, ҳайитнинг учинчи куни ҳам ўтди. Чарчоқдан бутун азойи-баданим сирқираб оғрирди. Ана шу уч кунда менга энг таъсир қилгани қайнанамга ёмон отлиқ бўлиб қолдим. Ахир, биз ёшлар бу эскилик сарқитларидан қачон қутуламиз? Бу одатлар замонамизга номуносибку!

М. ИКРОМОВА,
ишчи.

Атеистик пропагандининг муҳим вазифаларидан бири — турмуш тарзимизга мос бўлмаган оилавий маросимларга барҳам беришдан иборатдир. Ҳайит кунлари уч кунлаб ёш келинчаклар ўқишдан ва ишдан қолишга мажбур бўладилар. Мен юристман. Ноқонуний суратда ишдан ва ўқишдан қолган бундай келинлар, қиз-жувонларга улар ўқиётган ёки ишлаётган муассасаларнинг маъмурияти нега жим қараб туришади? Ёшларимизни эски-ликка берилган демайман, улар ўзлари билиб-билмай кекса қайнана-қайнаталарини хафа қилгилари келмасдан, кўр-кўрона равишда ана шундай маросимларнинг иштирокчилари бўлиб қолишяпти. Мана, тўйларимизни олиб кўрайлик. Бир неча кунлаб ўтадиган тўйлар бир кунда ўтади-ган қилиб ихчамлаштирилди. Шунга эришдик. Қалин пули ва бошқа эскилик сарқитларига барҳам берилди. Аммо ҳайит маросими ҳамон сақланиб қолаяпти. Аввалларн ўн-ўн икки тоғора нарса пиширнб жўнатилса, бу тоғоралар сони ҳозир икки мартта ошди. Буниинг устига уч-тўрт қути тоза шоколад бўлиши қоида қилиб қўйилмоқда. Ҳар бир килограмми 7-10 сўмдан турадиган бундай шоколадларни 70—80 сўм ойлик оладиган ота-она қаердан олади? Фарзандим ўксимасин деб, қарзга ботади. Энди пиширикдар ейилса ҳам кошкн эди. Уларнинг кўплари уч-тўрт кундан кейин ташлаб юборилади. Бундай бойвачча-ликнинг кимга кераги бор? Ҳурматли оналаримиз, опасинглилларимиз, жамиятимизга ёт бу илладан мутлақо воз кечишлари керак. Бундай даҳмазаларнинг ўрнига бува-буви, ларимиз, ота-оналаримизни бориб кўришимиз, уларнинг раҳматини эшитишимиз керак.

М. ТОЙЖОНОВА,
Киров район юридик консультация ҳимоячиси.

Мен Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл районидаги Калтаминор қишлоғида туғилганман. Ҳарбий хизматда бўлдим. Армиядан кейин «Ленинизм» совхозида сувчи бўлиб ишлаб, айни пайтда матбуотга хат-хабарлар йўллаб турдим. Ҳозир эса «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи»нинг қурилиш участкасига ишга кирганман. Мени «Тошкент оқшоми»да берилаётган материаллар гоятда қизиқтиради.

Мен комсомол-ёшларнинг тарбиявий ишларда бошқаларга намуна бўлишларини истар эдим. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: коллективлаштириш, граждалар уруши, Улуғ Ватан уруши, қўриқ ерларни ўзлаштириш ва бошқа кезларда комсомоллар намуна бўлишган-ку? Ҳозирги баъзи комсомол-ёшларни улар билан таққослаш қийин. Тўғри, уларнинг орасида пок юракли, оловқалб лилари кўп. Мен барча комсомол-ёшларни активликка ундашни истар эдим. Улар замонамизга мос, янгича анъаналарнинг ташаббускорлари бўлишлари керак!

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Луначарский шоссеси, Проектная кўчаси, Г — 40, 4. ётоқхона.

Нафосат гулшани



Шеърият оқшоми

Шеърнинг савти бор, себарчаси йўқ. Она ернинг нафасига ўхшаш дам хўрсиниқли, дам хушлуқум у. Билмадим, бу машқлар оқшомхонларнинг дилига ўрнашармикан? Агар улар жиндак шуур ва тасалли бера олса, меҳнатларим ва хизматларим бекор кетмабди, дердим.

Муаллиф.

Дунё

Кенгга кенг дунё, торга тор дунё,
Бирга арғимчоқ, бирга дор дунё.

Созу носози ҳар кас феълидан,
Дилкушо дунё, тағи зор дунё.

Чархин қўл билан айлантирибмиз,
Борга йўқ дунё, йўққа бор дунё.

Қадди расою юзи турфадир,
Ярми гул дунё, ярми хор дунё,

Меваси ширин, данаги аччиқ,
Ўртаси ёқут, буржи қор дунё.

Минг-минг йилларким мавжи ғалати,
Барқарор дунё, беқарор дунё.

Ботини ёлғон, саҳни нақшли,
Бу тайёр дунё, бу айёр дунё.

Уч нуқталар(...)

Оролга етолмай қолган
Амудай,
Тўсилган сувим уч нуқталар.
Қизиқнинг охири нима,
нимадай,
Кесилган тилим уч нуқталар.
Ўқувчи билишш шартмн

бу ёғин,
Чиқмасин чувим, уч
нуқталар.
Чақир тош чақадн
отининг туёғин,
Билганга билим уч
нуқталар.

Уч нуқталар.
Уч нуқталар.
Уч нуқталар.
Фикр тўхталар.
Тўхтаган фикр
Милтиқ ўқталар.

Ўй болам, ўй болам

Ўй болам, ўй болам,
Тиламвой йўлидан ўтказиб қўй, болам.
Ўй болам, ўй болам,
Ҳассамни дулуслоқ тутқазиб қўй, болам.
Ўй болам, ўй болам,

Анаву тепага ўтқазиб қўй, болам.
Ўй болам, ўй болам,
Қаттиқ нонни чайнаб, ютқазиб қўй, болам.
Ўй болам, ўй болам...

Навбат сизга, болларим

Мен сизларга чалиб бўлдим,
Навбат сизга, болларим.
Тегишмни олиб бўлдим,
Овқат сизга, болларим.
Қамиш қамчи соч бўлганда

Пуфлаб чалинг, болларим.
Терлаб-пишиб, ош келганда
Катта олинг болларим.

Султон АКБАРИЙ.

Рақс маликаси

Энг нозик ва жозибали санъат турларидан бўлган балет, ўзбек халқи ижодига кириб келиши ва ундан фахрли ўрин олишида кўплаб кишиларнинг меҳнат ва ғорак тафти бор. Қалб кечинмаларини, поклик, севги ва садоқат туйғуларини сўз билан эмас, нозик ҳаракат ва ҳимоларда акс эттира олиш санъаткордан катта маҳорат талаб қилади. Ана шундай сахна усталарини етиштиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган республикада хизмат кўрсатган артист Валентина Яковлевна Проскурининнинг номини балет мухлислари ҳурмат билан тилга оладилар. Уз ҳаётини балет санъатига бахш этган бу артист номига А. Навоий номли Давлат академик Катта театри ва республика хореография билим юртига кўплаб қутлов табрикномалари келмоқда. Ижодий фаолиятининг ўттиз йиллиги нишонланиши бунинг сабабчисидир. У мана шу санъат даргоҳларида хизмат қилиб келмоқда.

Валентинанинг ҳаёт йўлини ёритар эканмиз, санъаткорнинг сахнада ва устоз сифатида қилган меҳнати нақадар катта изланишлар натижаси эканлигини кўрамиз.

У кўп йиллар мобайнида А. Навоий номидаги театрда «Жизель», «Богчасарой фонтани», «Спартак», «Семурғ» спектаклларида етакчи рольларни ижро этиб келди. Драматик партиялар ижроси устаси В. Проскурина юксак техника ва жозибага эга раққоса. Унинг маҳоратини мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарлари ва чет эл томошабинлари олқишлаб, ундан завқландн. У раққосаликни педагогик фаолияти билан боғлаб олиб борган санъаткор. Ўттиз йил мобайнида у юзлаб шогирдлар етиштирди. Уларнинг мамлакатимизнинг қатор шаҳарлари сахнасида кишиларга завқ улашиб келаётганидан устоз мамнун. Булар орасида Ўзбекистон ССР халқ артисти Гули Ҳамраева, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Замира Давлатмурова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Азимова, Новосибирск ва Одесса шаҳарларида ижод қилаётган С. Кузнецова ва О. Нисковскихлар бор.

Устозининг қутлуғ тўйига Киров номидаги Ленинград Академик театрининг солисти, РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Ганибалова махсус программада рақслар тайёрлаб келди.

М. НАЗАРОВ.

СУРАТДА: В. Проскурина шогирдлари билан машғулот вақтида.



Маданият равнақи

Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда ўзбек профессионал музикасини яратиш ва ривожлантиришда рус маданиятининг намояндалари муҳим аҳамият касб этдилар. Улар халқ куйлари асосида музикали драмалар, опера ва балетлар, симфоник ва вокал-симфоник асарлар яратиб, ўзбек бастакорларига ижодий намуна кўрсатдилар. В. А. Успенский «Фарҳод ва Ширин», «Муқанна» спектакларига музика ёзди. 1928 йили Самарқандда очилган музика ва хореография илмий текшириш институтининг биринчи раҳбари Н. Н. Миронов ўзбек халқ куйларини тўплаш билан шуғулланди. С. Н. Василенко Мухтор Ашрафий билан ҳамкорликда биринчи ўзбек операси «Бўрон»ни яратди. Р. М. Глиэр Толибжон Содиқов билан ҳамкорликда «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» операларини ижод қилди.

Ўзбек совет музикаси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодидан ҳозирги бастакорларимизнинг баркамол асарларигача бўлган шонли йўлни босиб ўтди. Ўзбек бастакорлари Тошкент, Москва ҳамда Ленинград консерваторияларида таълим олиб, маҳорат эгалладилар.

Ўзбекистон Композиторлар союзининг биринчи секретари Мирсодиқ Тожиев Тошкент Олий партия мактаби тингловчилари билан композиторларнинг бўлиб ўтган учрашувида ана шулар ҳақида гапириб ўтди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Композиторлари ижодий уюшмаси залида бўлиб ўтди. Учрашувда таниқли композиторлардан Мутал Бурхонов, Манас Левиев, Собир Бобоев; ёш бастакорлардан Фарҳод Алимов, Аваз Мансуров, Мерзия Халитовалар қатнашдилар.

Композиторлар ўз ижодлари ва режалари ҳақида гапириб, санъат ихлосмандларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Учрашув ниҳоясида ўзбек композиторларининг инқилоб мавзуидаги асарларидан иборат концерт программаси намойиш этилди. Унда ижрочилардан — Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат катта академик опера ва балет театрининг санъаткорлари — СССР халқ артисти Саодат Қобулова, артист Гулгина Зокирова, концертмейстер Людмила Паркова ва композиторлар иштирок этдилар.

Б. РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Композиторлар союзи пропаганда бўлимининг ходими.

«Ватанимни улуғлайман»

Республика болалар кутубхонаси шу кунларда янада гавжум бўлиб қолди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бу ерда ҳам қизғин тайёргарлик боряпти. Шонли Октябрь йилномаларини ўрганаётган ёшлар — мактаб ўқувчилари учун «Шонли у кунлар шуҳрати сўнмас», «Ёшлик жасорати бизни жангга бошлади», «Ватанимни улуғлайман» деб аталган кўргазмалар ташкил этилди.

«У абадий яшайди» кўргазмасидан болалар Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунлари қўлига қурол олиб, Совет ҳокимияти учун курашган, инқилоб ғалабаларини мустаҳкамлашда актив иштирок этган, социализм қурилишига бутун ҳаётини бағишлаган партия ва комсомол ветеранлари ҳақида ҳикоя қилувчи адабиётларни ўқишлари мумкин.

Кўргазмалар бўлажак ўринбосарларни коммунистик руҳда тарбиялашга, уларни ота-боболаримиз шонли анъаналарига меҳр-муҳаббат уйғотишга ҳисса қўшади. Шунингдек, яқин кунларда кутубхонада Куйбишев райони даги 17, 18, 50, 64 ҳамда 145-ўрта мактаб ўқувчилари Октябрь байрамига бағишланган адабий музикали кечалар ўтказишади.

Д. НАБИХЎЖАЕВА.

Оқшомхонлар учун учрашув

«...ТОШКАНИМ–ОНАМ»



Халқимизнинг ўзига хос табиати бор. Шу сабабли унинг бирон-бир хонандага, созандага, борингки, ҳаваскорга кўнгил қўйиши учун авваламбор ўша ижодкор халқимиз қалбини ром этувчи, завқ-шавққа тўлиб-тошган куй-қўшиқлари билан кириб бориши керак. Қўшиғининг жозибаси билан халқимизни мафтун этган санъаткорлардан бири — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Фарруҳ Зокировдир. Санъаткор ҳақида Сиз жуда кўп эшитгансиз. Бу ижодкорнинг оиласи билан ҳам жуда яхши танишсиз, шу сабабли биз бугунги суҳбатимизда Фарруҳ Зокировга санъат, шаҳримиз муаммоларига тааллуқли бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Авваламбор барча оқшомхонлар номидан Сизни Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони билан сидқидилдан муборакбод этамиз.

— Раҳмат.

— Суҳбатимизни даставвал эстрададан бошласак. Сизлар программаларингиздан халқ қўшиқларига катта ўрин берасизлар. Ҳар бир қўшиғингизда диёримизни куйлабгина қолмай, балки халқимизнинг қадимий удумларини, тарихини куйлагандек бўласиз. Масалан, «Сумалак» қўшиғи...

— Ҳа, албатта, Шеърга куй басталаётганимда мен куйланаётган ҳар бир шаҳарга образ қидираман. Ўша шаҳарга мосланган, ўша шаҳарнинг руҳини айтиб берадиган қўшиқ яратишга ҳаракат қиламан.

Биз кўпинчалик гастроль сафарларида юриб ажиб воқеаларнинг шоҳиди бўламиз. Бир мисол: Волгоградгаги сафаримизда, шаҳар марказидаги йирик саройларнинг бирида концерт бердик. Сарой томошабинлар билан тўлган. Биз қўшиқларимизни ўзбек тилида куйлаяпмиз-у, залдагилар, гарчанд тилимизга тушунишмаса-да, қарсак билан жўр бўлишяпти. Концертдан кейин бир қанча томошабинлар бизни қуршаб олиб: **«Бизга Ўзбекистонда бўлиш насиб этмаган, аммо қўшиқларингизни тинглаяпмиз-у бизни ўша гўзал юрт мафтун этиб, ўзига чорлади. Назаримизда, саҳнадан Ўзбекистон нури ёғиб тургандек бўлди»**, дейишди.

Бундай сўзлардан киши албатта фахрланади ва янги асарлар яратишга илҳомланади. Яна бир мисол: мамлакатимизнинг турли чекка-ларидан келган дўстларим: **«Негадир юртинг таровати ўзгача, нимага шундай?** деб сўраб қолишади. Шунда мен уларга: **«Ҳа, албатта, бизнинг еримиз қуёшининг сахийлиги, неъматлар мўл-кўлчилиги, инсонларининг самимийлиги учун тароватли»** деб жавоб қайтараман...

— «Кўпинча гастролларда бўламиз», дединг. Бошқа жойларда юрганингизда, концертлар бераётганингизда Тошкентни соғинасизми?

— Албатта. Киши қаерда бўлмасин, аввало, ўзи туғилиб ўсган юртини, Она-ерини қўмсайди. Самолёт Тошкент аэропортига қўниб, трапдан тушган заҳотим: **«Оҳ, Тошкентим»**, деб юбораман. Бир воқеа ёдимга тушди.

Яқинда биз Афғонистон Демократик Республикасида бўлдик. Ўша ердаги юртдошларимизга концертлар бердик. Шундай концертларнинг бирида тошкентлик бир солдат йигит Тошкент ҳақида қўшиқни айтиб беришимизни илтимос қилди. Шу қўшиқни айтяпмаку, йигитларимиз юзидаги армонли оларни кўриб, ўзимни тутиб туролмадим. Қўшиқ айтяпмаку, қўмсашданми, билмадим, кўзим ёшланиб, этларим жимирлашди. Шунда мен шаҳримни нақадар севишимни тушундим. Қўшиғимизда айтилганидек: **Тошканим — онам,** Ахир ким ҳам ўз онасини, волидасини севмайди, дейсиз! Қўшиқдаги:

Мунча яхши бўлмасанг,
Тошканим — онам,
Сени бир он кўрмасам
Кўзларимда нам...

деган мисралар беҳуда айтилмаганига ишонч ҳосил қилдим.

— Гап Тошкент ҳақида борар экан, шу ўринда шаҳримиз жамоли, унинг архитектураси ҳақида нималарни айта оласиз?

— Шаҳримиз ҳақиқатан ҳам гўзал, Афсуски, муаммолари кўп. **Биринчи** мен айтиб ўтмоқчи бўлган нарса — шаҳримизда қурилган ва қурилаётган уй-жойлар. Бир дўстим қурувчи бўлиб ишлайди. Бундан бир неча йил аввал ўша дўстимнинг олдига франциялик бир ҳамкасби келганди. Дўстим ва франциялик қурувчининг суҳбатини мен ҳам тинглагандим. Ўшанда франциялик қурувчи: **«Биз, европаликлар ўлкангиздаги қадимий обидаларни кўриб, кўзимиз ўйнайди». Ота-боболарингиздан қолган шу ҳунарларни ёддан кўтарганингизга ҳайронман»**, деганди.

Ҳақиқатан ҳам сўлим Тошкентимизда шарқона бинолар қурилса айни муддао бўларди.

Иккинчи айтадиган эътирозим шуки, кўпгина шаҳарларда мен эски, қадимги даврлардан қолган уйларни кўрганман. Ҳаттоки, Тбилисида ана шундай эски уйлардан иборат йирик-йирик маҳаллалар ҳам ташкил қилинган. Ўша маҳаллаларда-ги уйларни қайта таъмирлаб, ўз ҳолига келтириб, маҳалла-музейлар ташкил этишган. Шуниси диққатга сазоворки, ўша уйларга сув, газ қувурлари ўтказилиб, аҳоли яшамоқда. Ахир бизда ҳам шундай қилса бўладику. Эски уйларни тиклаб, уларга янги ҳаёт бағишлаб, тарих обидаларини қаторидан ўрин олдириш мумкин-ку!.. Халқ анъаналарига бой маҳаллаларни бузиш менимча шарт эмас.

Учинчи эътирозим: бир неча йил аввал шаҳримизда мавжуд бўлган қадимий номлар камайиб бормоқда. Баъзи ёшлардан **«Кўкча, Себзор, Қорасув деганн нима?»** деб сўрасангиз, улар лом-мим дейишолмайди. Мендан кўпинчалик **«Шаҳарнинг ўн икки дарвозаси нима учун керак бўлган?»** деб сўрашади. Азалдан ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги билан машҳур. Бунинг ёрқин исботи қилиб мен ўша ўн икки дарвозани мисол келтираман. Шу хусусда менда бир таклиф бор. «Оқшом» ижодкорлари **«Шаҳримиз тарихини билasизми?»** деган рубрика остида Тошкентдаги қадимий номлар билан боғлиқ бўлган мақолалар бериб боришса, жуда яхши бўларди. Чунки шу орқали ҳар бир тошкентлик ўз шаҳри тарихи билан яқиндан танишиб оларди.

— Акангиз Ботир Зокиров ўз қўшиқлари билан тингловчилар қалбида ўчмас из қолдирганлар. Бошқача айтганда, Ботир Зокировни Ўзбекистон эстрадасининг асосчиси дейишлари бежиз эмас. Хуллас, акангиз бошлаб берган ишни давом эттиришда қийинчиликларга дуч келдингизми?

— Менимча, бирмунча оширib юбордингиз. Сабаби, менинг ўрнимдаги эстрадани, халқ анъаналарини севувчи ҳар қандай киши шундай қилган бўларди. Тўғри, акам бошлаб берган ишни давом эттириш жуда қийин. Чунки Ботир акамнинг эстрадага ўзига яраша ихлоси бор эди. Ўша даврда у киши эстрадамизнинг созанда ва хонандаларини иложи борича миллий ижодкорлардан тузишга ҳаракат қилгандилар. Сабаб, миллий ижодкор ўз халқи тарихини чалаётган сози орқали мухлисларга ёрқинроқ етказиши мумкин. Лекин акам бу масалани охиригача ҳал қилолмадилар. Оркестрда кейинчалик ажойиб миллий ижодкорлар жамланди. Шунда Ботир акам: **«Мен шундай кунларни кўраётганимдан шодман. Чунки ҳозирги эстрадамизда юрти тарихини билувчи созандалар иштирок этишяпти. Бу, албатта ўзбек эстрадаси шуҳратига-шуҳрат қўшишида ўзига хос улуш бўлади»**, деган эдилар.

Эстрадамизни кучайтиришда акамнинг яна бир тилаги бор эди. Европа мамлакатларида мюзик-холлар ташкил қилинганлиги кўпчиликка маълум. Ботир акам ҳам шарққа мос мюзик-хол ташкил қилиш иштиёқида эдилар. Бундай коллектив яратилди ҳам, лекин баъзи бир ташкилий масалалар туфайли бу иш амалга ошмади. Бундай «ташкилий масалалар», афсуски ҳозир ҳам бор. Шу каби масалаларни ҳал этишга кейинчалик киришилса ажаб эмас...

— Эстрада ҳақида гап борар экан, кўпгина газетхонларни ўйлантираётган саволга жавоб олсак: «Ялла» ансамблининг қўшиқларини катталар билан бир қаторда бахтиёр болалар ҳам мароқ билан эшитишиб, ҳатто баъзи қўшиқларни ёдлаб, куйлаб юришади. «Ялла»да болалардан масалан, машҳур «Жўжаларим» каби қўшиқ яратиш ниятингиз борми?

— Тўғрисини айтсам, мен анчадан буён ана шундай асарлар яратиш иштиёқидаман. Аммо мухлислар орасида энг ўжари, энг ишонувчани ва энг самимийси болалардир. Шу сабабли мен болаларни ёлғондан, юзаки яратилган қўшиқ билан алдаёлмайман. Агар бирон-бир ижодкор болаларга атаб асар яратгудек бўлса, у ҳолда ўша ижодкор болалар, нафақат болалар, балки бутун бир мухлислар аудиториясида катта шуҳрат қозониши шубҳасиз. Болалар учун асар яратиш эса жуда мушкул иш. Баъзан болалар учун асар ёзадиганлар билан суҳбатлашсам, улар гоҳида қўшиқлар бирдагина яратилади, гоҳида эса биргина қўшиқни чиқариш учун ойлаб вақт керак бўлади, дейишади. Бу тўғри. Баъзан кечки концертларга ота-оналар болалари билан келишади. Кўпгина ансамбль аъзолари бундан ҳафа бўлишади. Бу ҳолдан ҳафа бўлиш ярамайди. Аксинча қувониш керак. Болалар ҳам томошабинлар орасида маълум ўрин эгаллашган.

Энди айнан саволингиз хусусида тўхталсак, у ҳолда ширин қувонч билан айтаманки, яқин ойларда ансамблимиз болаларга аталган янги қўшиқлар ижро этади.

— Сўнгги, анъанавий савол: ансамблингизнинг янги программаси, келгусидаги режаларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Буни мен сир тутмоқчи эдим. Аммо керак экан, айтаман. Ўзингиз биласиз, илгарилари чойхоналарда шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар, турли суҳбатлар ўтказилар-ди. Хуллас, чойхона ўзига яраша маданият ўчоғи эди. Ҳозир, шаҳримизда чойхоналар сони камайгани учунми билмадим, кишига маънавий озуқа берувчи бундай кечаларни ўтказиш суслашиб кетди. Бу ҳам шаҳримиз муаммоларидан бири. Бир сўз билан айтганда, янги программамиз «Чойхона ҳамроҳ ҳамиша» деб номланган. Бу программадан янги қўшиқлар жой олган. Биз кўрсатмоқчи бўлган чойхона, адабий-музикали чойхонадир.

Фурсатдан фойдаланиб, оқшомхонларни адабий-музикали чойхонамизга ташриф буюриб, ҳордиқ чиқаришга таклиф этамиз.

Суҳбатни
Дилшод ЖАЛОЛОВ
олиб борди.

Нима? Қачон? Қаерда?

12—18 ОКТЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбекистон телевидениеси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб 17 октябрь куни соат 22 дан 25 минут ўтганда Бутуниттифоқ II фестивали доирасида халқ ижодиёти республика кўрик-конкурси лауреатларининг якунловчи концертини кўп сонли томошабинлар диққатига ҳавола қилади. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган бу кўрсатувда республикамизнинг барча областларида кейинги йилларда санъат ижрочилиги борасида яхши қадам ташлаётган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг қўшиқлари ва рақсларини томоша қилиш мумкин.

«ҚЎШЧИНОР»

Ўзбекистон телевидениеси «Мусиқа жавони» туркумидан ўзбек классик қўшиқларининг ажойиб намуналарини ва рақсларини «занғори экран»га чиқаради. Бу кўрсатувда яқинда Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвонига сазовор бўлган Хайрулла Лутфуллаев ижоди ҳақида фикр юритилади. Кўрсатувда таниқли хонанда Муножот Йўлчиева биринчи марта томошабинларга Алишер Навоийнинг «Қўшчинор» ғазалини куйлайди. Рақсини эса Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова ижро этади. Бу кўрсатувда республикада хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов йигитлар ижро этадиган «Андижон полкаси» ҳақида фикрларини изҳор қилади ва бу рақсни ижро этади.

«Самарқанд» эстрада вокал ансамблининг хонандаси Насиба Абдуллаеванинг қўшиқларини томошабинлар севиб тинглайдилар. Бир қатор ёшлар унинг маҳоратидан илҳомланиб, эстрада санъатини эгалламоқдалар. Санъаткорнинг шогирдларидан Фарида Мусинова ва Феруза Ризаевалар шу кўрсатувда биринчи марта эстрада қўшиқларини куйлайдилар.

Бу кўрсатув Ўзбекистон телевидениеси экрани орқали 17 октябрь шанба куни соат 20 дан 50 минут ўтганда томошабинлар диққатига ҳавола этилади.

ҲИНД ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Ҳиндистон киностудияларида яратилган фильмлар ўзбек томошабинларида ҳамиша қизиқиш уйғотади. Чунки бу картиналарда ҳаётда юз берадиган ахлоқий воқеалар қўшиқлар, музика, қизиқарли саргузаштлар воситасида акс эттирилади.

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармаси 15 октябргача шаҳримиз кинотеатрларида ўтказиладиган Ҳиндистон фильмлари фестивали программаси жуда кўп картиналарни қамраб олган. Улар орасида «Даранчи булут», «Ганг сувинг лойқаланди», «Ёмғир мавсуми», «Бобби», «Навранг», «Чала ҳақиқат», «Ғўзаллик ва ҳақиқат» сингари картиналар бор. Бу фильмлар шаҳримизнинг Санъат саройи, «Ташсовет 50 йиллиги», «Дружба», «Ватан», «Нукус», «Қозоғистон» сингари кинотеатрларда намойиш этилади.

СИРДАРЁ ДОРБОЗИ

Пойтахтимизнинг Карл Маркс кўчасида ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ўтказиладиган сайл дам олувчиларга ғоятда манзур бўлмоқда. Бу ерда яйраб дам олиш билан бирга турли ҳаваскорлик коллективлари концертларини томоша қилиш мумкин. Шу ҳафтанинг 17 ва 18 октябрь кунлари бу кўчада Сирдарё областининг Гулистон шаҳридаги Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғининг дарбози Анваржон Мўйдинов бошчилигида ва иштирокида ўзбек миллий дор ўйинлари намойиш этилади. Бунда сиз машҳарбоз Абдуҳаким Солиевнинг миниатюра ўйинлари, Комилжон Жалиловнинг мураккаб дор машқлари, Зулхумор, Умидахон, Анмалжон ва уч ёшли Равшанжон Мўйдиновларнинг дор устидаги ғўзал ва мураккаб машқларини томоша қиласиз. Программада паҳлавон Анваржон Мўйдинов икки пудли тошларни ҳар хил услубда ўйнайди, занжирларни узади, 30 ва 40 кишини кўтаради. «ГАЗ—51», «ГАЗ—53» автомашиналарини устидан юргизтиради.

Сирдарёлик дорбозларнинг томошалари шу йилнинг 10 ноябрь кунигача ана шу кўчада давом этади.

ТИББИЁТ ЭЛЕКТРОНИКАСИ

Ҳозирги техника тараққий этган даврда электрон ҳисоблаш машиналари ҳатто тиббиёт соҳасига ҳам кириб борди. Меднклар беморларнинг хасталигини аниқлаш ва уни даволашда бу ҳисоблаш машиналаридан ўринли фойдаланмоқдалар.

Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг «Билимлар уйи»да 16 октябрь соат 17 да бўладиган тадбир шу мавзуга бағишланган. Бу ерда яна бир қизиқарли учрашувга ҳозирлик кўрилди. 15 октябрь куни соат 18 да Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри Б. Бугров «Республикада шу беш йилликда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни кенгайтириш йўллари» мавзуида суҳбат ўтказади ва тингловчиларнинг саволларига жавоб беради.

А. ПУЛАТОВ.

СИНОВ

Ҳажвия

Ўн учинчи номерли махсус корхона директорининг оқ «Волга»си синов майдонига кириб тўхтади. Машинадан директор ва синов комиссиясининг раиси тушди. Тўғридаги старт майдончасида бошқарилиши автоматлаштирилган ракета — «БАР» ялтираб, кўкка парвоз қилганн тайёр турибди. Бугун унинг тақдири ҳал бўладиган кун, давлат комиссияси нима деса шу: «ҳа!» деса, бундай ракеталар ўн учинчи номерли корхона конвейеридан серияlаб чиқа бошлайди, агар «йўқ!» деса, инженерларнинг қанчадан-қанча меҳнати уч пул бўлиб, яна изланишлар олиб боришга тўғри келади. Шуни билган корхонанинг етакчи мутахассислари оқ халатлар кийиб, катта ҳаяжон ичида, меҳнатларининг маҳсули бўлган «БАР» атрофида ивирсиб юришибди. Уларнинг бири кабель ва энергия системаларини қайта-қайта текширишса, бошқаси ракета босқичларини, яна бир киши машина олдига югуриб келди.

— Танишинг, ракетанинг бош конструктори... — деб таништирди директор, сўнгра бош конструктордан сўради: — Синов ишлари тайёрми?

— Худди шундай! — ҳарбийчасига жавоб берди бош конструктор. — Бошлашга рухсат этинг.

— Рухсат! — деди бошлиқ.

Синовдан олдин бўладиган, кишини ҳаяжонга солувчи дақиқалар бошланди. Бош конструкторнинг қўллари асабдан титрарди. У томоғини қириб микрофонни қўлига олди.

— Ҳурматли ўртоқлар, қадрли ҳамкасаблар! Мана, кўпдан бери биз орзу қилган кун етиб келди: ракетамиз синов майдончасида буйруғимизни кутиб турибди.

Старт майдонидаги ўртоқлар «Урраа!» деб бақира бошлашди.

— Энди синаш ишларини бошлаймиз, — деди бош конструктор одамлар ҳовуридан тушгач. — Диққат, диққат! Ҳамма старт майдончасини ташлаб, ўзини панага олишини буюраман!

Бош конструкторнинг овози акс садо билан кучайиб, одамнинг этини жимирлатиб юборди.

— Бир минутлик тайёргарлик эълон қиламан...

— Старт майдончаси?

— Старт майдончаси синовга тайёр!

Корхона бошлиғи ҳам, синов комиссиясининг раиси ҳам ҳаяжондан ўринларидан туриб кетишди.

— Ракетани учиришга тайёрланинг! — деди чўзиб бош конструктор ва санай бошлади — тўққиз, саккиз, етти... ноль! Пуск!!!

— Иккинчи босқич ракеталари ишга туширилсин! — буюрди бош конструктор.

— Автоматика блоки? — деди овози қалтираб бош конструктор.

— Автоматика эшитади? — Авария ҳолатини эълон қиламан — бақирди микрофонга бош конструктор кўзини тепадаги ракетадан олмай. — Ёрдамчи двигателлар ишга туширилсин!

Ракета тепага кўтарилиб, берилган орбита бўйлаб учиш ўрнига одамларнинг боши устида тариллаб тураверди. Ракета яратилишида иштирок этган конструкторлар нима қилишга ақллари етмай, ўз блокларидан бошларини чиқариб, бўйсунмаётган ракетадан кўзларини узмас эдилар.

Шу пайт бирдан ракета ёнбошига ётди-да, пастга қараб шўнғиди.

— Қочинглар, четга қочинглар! — дея ҳамма ҳар томонга югуриб қолди. Ракета ҳам жой излаб юрмай, тарақлаб бошлиқнинг машинасига келиб тушди. Одамларнинг кайфи учиб кетганди. Ниҳоят, синов комиссиясининг ранси биринчи бўлиб ўзига келди.

— Йўқ! — деди у қатъий қилиб, — бу ўйинчоқни ишлаб чиқаришга рухсат бера олмайман.

Аъзам АЗИМОВ,
техника фанлари кандидати.



Музей залларида

Октябрь инқилобига бағишлаб

Жаҳон пролетарияти тарихида шонли воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонган кунининг 70 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Бу сана ўз моҳияти билан ер куррасидаги барча тинчликсевар халқларнинг ҳам байрамидир.

Серқуёш республикамиз пойтахтида ҳам бу санага ҳар томонлама қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Барча маданият саройларида октябрь ғояларини улуғловчи тадбирлар ўтказишга ҳозирлик кўрилаётир. Ойбек номидаги Узбекистон халқлари тарихи музейида очилган янги кўргазма бунга мисол бўла олади. У «Улуғ Октябрь тантанасининг ғоялари» деб номланган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Тошкентда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган курашларда қатнашган ва шонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган нуроний отахонлардан Азиз Тўхтабоев, Тойир Тойиров, Алексей Комиссаров, Ҳикматилла Худойназаров, Мадраҳим Рўзиметовлар қатнашдилар. Улар ёш авлодга ўша алангали йиллар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Кўргазма экспонатлари 70 йил мобайнида республикамизда эришилган мислсиз воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

З. НУРИДДИНОВА.

СУРАТЛАРДА: кўргазма залларидан лавҳалар.

В. Тўраев фотолари.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛДИ

ҚЎЛГА ТУШДИ

● 4 октябрь кечаси икки ёш йигит Юнусобод массивининг 16-кварталида истиқомат қиладиган А. Воробёвга телефон орқали қўнғироқ қилишган. У ташқарига чиққанда пичоқ кўрсатиб таҳдид қилишиб, тилла узуги ва 80 сўм пулини олишганда кўздан ғойиб бўлишган. Киров район ички ишлар бўлимининг ходимлари Шамсиев, Ханин, Солодкин ва Эгамбердиевлар нинг жонбозликлари туфайли жиноятчилар аниқланди ва қўлга олинди. Пул ва буюмлар эгасига қайтариб берилди.

● 5 октябрь кундузи «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғининг территориясида икки қиз 99-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Г. Пўлатованн қўрқитиб, пулини олиб қўйишган. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли жиноятчилар аниқланди. Тергов ишларн бошланди.

● 27 сентябрда номаълум шахс «Новий путь» кўчасида истиқомат қиладиган В. Абрамовнинг квартирасига деразадан кириб, кийим-бошларини ўғирлаб кетган. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар туфайли «У» исмли граждан қўлга олинди. Аввал ҳам судланган бу шахснинг жиноятга дахлдор эканлиги аниқланди.

● 4 октябрда бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчилик цехидан номаълум шахс 10 та тикув машинасини ўғирлаб кетган эди. Синчиклаб текширишлар натижасида бу жиноят учун Чилонзор районида истиқомат қиладиган «Э» исмли граждан жавобгар эканлиги аниқланди.

● 5 октябрда «Чилонзор» марказий универсал магазинининг олдида турган М. Маҳмудовнинг «43—38 ТНЛ» рақамли «ВАЗ—2101» автомашинаси олиб қочиб кетилган эди. Давлат автомобиль инспекцияси йўл-патруль хизматининг инспектори Шоюсуповнинг тадбиркорлиги туфайли машина топилди. Тергов ишларн олиб борилмоқда.

ЎҒРИЛИК

● 5 октябрь соат 11 дан 30 минут ўтганда Ленин комсомолининг 40 йиллиги номидаги маданият ва истироҳат боғининг территориясида уч қиз ва икки йигит 164-ўрта мактабининг 10-синф ўқувчиси А. Степановани қўрқитишиб, унинг фин куртками ва «Электроника—5» қўл соатини тортиб олишган.

● 6 октябрь кечаси бир группа жиноятчилар: икки аёл ва уч эркак улардан бири милиция ходими формасида бўлган. Қорақум кўчасида истиқомат қиладиган Т. Борохованнинг уйига киришган. Уй бекаси ва унинг эрини калтаклашиб, уйдан катта миқдордаги пул, уч процентли заём облигацияларн ва беш хил тилла буюмларни олиб чиқиб кетишган.

● 4 октябрь кундузи Чилонзор массивининг 16-кварталидаги 19-уй олдидан С. Каннинг «41—97 ТНЕ» рақамли «ИЖ—Планета—4» кажавали мотоцикли ўғирлаб кетилган.

● 4 октябрь кечаси номаълум шахс Лисунов массивининг 1-кварталида истиқомат қиладиган А. Ефимованинг квартираси балконидан «Турист» велосипединн ўғирлаб кетган.

● 4 октябрь кечаси Чилонзор массивининг 21-кварталида истиқомат қиладиган Г. Сергачеванинг квартираси балконидан 1,5х2 метрли гилам, «Мелодия—105» радиола, «Янтарь» маркали соат ўғирлаб кетилган.

● 5 октябрь кундузи Бошлиқ массивида истиқомат қиладиган Т. Лутфуллаеванинг квартираси эшигини олиб қўйиш йўли билан 3000 сўм пул ва ҳужжатлар ўғирлаб кетилган.

● 6 октябрь кундузи лўли қишлоғидаги беш аёл болаларига сув ичириб олиш баҳонаси билан Чкалов кўчасида истиқомат қиладиган М. Тишлерга мурожаат қилишган. Ичкарига кирганларидан кейин уй бекасининг ишончини қозониб, бемалол ҳаракат қилишган ва унинг 2800 сўмлик уч процентли заём облигацияларини, омонат дафтарчаси ва олти хил тилла буюмини ўғирлаб кетишган.

● 6 октябрь эрта тонгда Юнусобод массивининг 5-кварталида истиқомат қиладиган Р. Райдманнинг квартираси эшигини очиб, номаълум шахс ичкарига кирган. Уй эгасининг бешта уч процентли заём облигациясини, тўрт хил тилла буюмини ўғирлаб кетган.

АВТОМОБИЛЬ ОЛИБ ҚОЧИЛДИ

● 4 октябрда «Зарафшон» ресторанининг олдида турган Д. Сатановскийнинг «И-38-08 ТН» рақамли «ВАЗ-21063» автомобили олиб қочиб кетилган.

● Шу куни соат 17 дан 15 минут ўтганда Олой бозори яқинидаги Каблуков кўчасидан наманганлик М. Нурматовнинг «Г-06-42 НА» рақамли «Москвич-412» автомашинаси олиб қочиб кетилган. Бу автомашина «Ташавтомаш» масси-видан бир ғилдираги йўқ ҳолда топилди.

● Шу куни соат 5 дан 10 минут ўтганда Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган «Шимолий саноат зонаси» диспетчерлик пункти олдидан К. Солиҳовнинг «Д 07-79 ТШ» рақамли «Москвич» автомашинаси олиб қочиб кетилган.

ФИРИБГАРЛИК

● 5 октябрда нотаниш киши «Старт» стадионининг бухгалтериясига кириб, Л. Азаматовага аёллар этиги олиб беришни таклиф қилган ва ундан 120 сўм пул олиб қўздан ғойиб бўлган.

Ўзингиз учратган жиноятчилар, тартибсизликлар, уларга сабаб бўлган кишилар ҳақида 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонларн орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 13/X да ... 14/X да Рустам ҳақида ...

ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 13/X да ... қон, 14/X да Келинлар ... лони.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ МУЗ... ТЕАТРИДА — 12/X да ... нимнинг эри, 14/X да ... торлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ... 14/X да Чернобль ...

Кино

12 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ХАЙ... МУҲАББАТ ВА ГЎЗАЛ» (17.15, 20.30), «БОББИ» 21.00).

Қозоғистон — «ПАРО... (17, 18, 20.00).

Чайка — «ГЎЗАЛ» (14, ... 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — ЛАНМА ЙЎЛ» (жуфт сеан... да).

Москва — «ШОҲОНА ... КОР» (16, 18.30, 21.00).

Ватан — «МАЪСУМА... 18.30, 21.00).

Дружба — «ГАНГ, СУВ... РИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (17, 20, 21.00).

Лисунов номли — «... ТОШ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ЧАЛА ҲАҚ... (16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 ... лиги — «ЕМҒИРЛАР МАВ... МИ» (16, 18.30, 21.00).

Восток — «ХАБАРЧИ БУ... (16, 18.30, 21.00).

Тинчлик — «КАТТА АВТО... БИЛНИНГ САРГУЗАШТЛ... (17, 19, 21.00).

Искра — «ҚИЗ УРАШ... ШОШИЛМОҚДА» (16, ... 20.00).

К. Ёрматов номли — ... ЕШЛАР ОРОЛИДАГИ ИКК... ШИ» (17, 19, 21.00).

13 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ГАНГ, СУ... ЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (... 17.15, 20.30), «САНГАМ» (... 15, 18, 21.00).

Қозоғистон — «ЧАЛА ҲАҚ... ҚИҚАТ» (11, 12, 14, 15, 17, ... 20.00).

Чайка — «ҲАҚИҚАТ, МУҲ... БАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (... 13.20, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — ЛАНМА ЙЎЛ» (жуфт сеан... да).

Москва — «ШОҲОНА ... КОР» (11, 13.30, 16, ... 21.00).

Ватан — «ПАРОМА» (... 13.30, 16.30, 21.00).

Дружба — «ЕМҒИРЛАР М... СУМИ» (11, 12, 14, 15, 17, ... 20, 21.00).

Лисунов номли — «... ТОШ» (тоқ соатларда).

Нукус — БОББИ» (11, 13, ... 20.00).

Тошкент Советининг 50 ... лиги — «НАРИГИ ТОМ... (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «НАВРАНГ» (... 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тинчлик — «ТЕГМАГАН ... САКИ» (11, 13, 15, 17, ... «КАМЕЛИЯЛИ ХОНИМ» ... ХИ» (19.00).

Искра — «РОБИН ГУДН... УҚЛАРИ» (12, 14.00); ... УЧРАШУВГА ШОШИЛМОҚ... (16, 18, 20.00).

К. Ёрматов номли — ... ЕШЛАР ОРОЛИДАГИ ИК... КИШИ» (11, 13, 15, 17, ... 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУ... ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-2... 44-21-34, 44-21-74.

Ватан — 74-30-38.

Чайка — 77-06-20.

Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 50 ... лиги — 78-47-25.

Восток — 91-14-61.

Лисунов номли — 96-3... — 33-29-70.

Искра — 39-14-59.

Нукус — 46-46-55.

Дружба — 67-96-87.

ВЛКСМ 30 йиллиги — 3... 52.

Шаҳар кинотеатрларида ... мат кўрсатиш маданият ... юксалтириш юзасидан ... ва истаклар билан Тошкент ... ҳар ижроия комитети ... лаштириш бошқармаси ... 37-11 телефон номери ... мурожаат қилинсин.

ҚҚАССР, Беруний рай... даги 60-ўрта мактаб ... дан Сапарбаева Гулжа... Ренмбаевна номига бер... КК-168754 номерли ... ган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ресторан трестининг «Гулистон» ... торани коллективи Тош... давлат цирки қошидаги ... линал мудири

Эркин Муҳамедович ЭШОНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чу... қайғу билан билдириб, ... ҳумнинг оила аъзолари... таъзия изҳор қилади.

«Узгоэнергонадзор» ... лаб чиқариш корхонаси ... лективи Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаш... риш министрлигининг ... нистр Ўринбосари Т. Ш. ... медовга отаси

Шораҳмад АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муноса... ти билан чуқур таъзия ... ҳар қилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ

36-«МЕДИЦИНА КИТОБЛАРИ» МАГАЗИНИ

ҚУЙИДАГИ АДАБИЕТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Л. Б. Наумов, ЮРАК-ҚОН ТОМИРИ СИСТЕМАСИ КАСАЛЛИКЛАРИ. Тошкент, «Медицина», 1984 й. Баҳоси — 1 сўм 80 тийин.

Е. Е. Яругский. ТЕРМИК КУЙИШЛАР. Тошкент, «Медицина», 1987 йил. Баҳоси — 1 сўм 10 тийин.

М. Ф. Транезникова. БОЛАЛАРДАГИ ЯГОНА ЖИГАР. Тошкент, «Медицина», 1984 йил. Баҳоси — 0,46 тийин.

А. А. Ильин ва бошқалар. ҚИРҒИЗИСТОН ССРДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ. Тошкент, «Медицина» 1984 йил. Баҳоси — 1 сўм 10 тийин.

Е. А. Маковецкия. БОЛАЛАР НЕФРОЛОГИЯСИДА ДИАГНОСТИКА ХАТОЛАРИ. Ленинград, 1987 йил Баҳоси — 0, 70 тийин.

Ш. Х. Хўжаева, Й. А. Соколова. МЕНИНГОКОК ИНФЕКЦИЯСИ. Тошкент, «Медицина» 1986 йил. Баҳоси 1 сўм 80 тийин.

С. М. Сорнисон, К. М. Мирзаев. ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА КОМПЛЕКС ФАРМАКОТЕРАПИЯ. Тошкент, «Медицина» 1987 йил. Баҳоси — 1 сўм 60 тийин.

Л. К. Богуш, Т. М. Қориев, М. Эшонхонов. ЎПКА ОҒИР СИЛ КАСАЛЛИГИ ХИРУРГИЯСИ. Тошкент, «Медицина» 1983 йил. Баҳоси — 0,65 тийин.

М. А. Кристова, Р. А. Аъзамов, Қодирова. КЕНГ ТАРҚАЛГАН ВА ОҒИР НЕФРО СИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ. Тошкент, «Медицина», 1985 йил. Баҳоси — 0,65 тийин.

Ю. М. Репин. ЎТИБ КЕТГАН ЎПКА СИЛ КАСАЛЛИГИ ХИРУРГИЯСИ. Тошкент, «Медицина», 1984 йил. Баҳоси— 1 сўм 70 тийин.

Р. У. Убайдуллаев. АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ВА КИШИ САЛОМАТЛИГИ. Тошкент, «Медицина» 1986 йил. Баҳоси 0,65 тийин.

Н. Л. Романченко. ЁШ СПОРТСМЕНЛАРНИНГ ОҚСИЛ ВА ВИТАМИНЛИ ОВҚАТЛАНИШИ. Тошкент, «Медицина», 1984 йил. Баҳоси 0,50 тийин.

П. Г. Царфис. ТАБИАТ ВА КИШИ САЛОМАТЛИГИ (курортологиянинг даволаш-профилактика асослари). М; «Олий мактаб», 1987 йил. Баҳоси 1 сўм 80 тийин.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 54-уй. Телефон 32-29-62.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

токарлар, фрезерчилар, слесарлар, штамповкачилар, парчинлаб иш бажарувчилар, кранчилар, гальваниклар, йигувчи-клепальщиклар, электрокарачилар, қурилиш касбидаги ишчилар.

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-НОН ЗАВОДИГА

нонвойлар, нон ёпувчи усталар, хамир қорувчилар, хамирдан нон ясовчилар, тайёр маҳсулотни жойлаштирувчилар, токарь, бўлма машинасининг машинистлари, фарошлар.

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР ЗАВОДИГА:

инженер-технолог, меҳнатни ташкил этиш бўйича инженер, гальваника цехи мастери, бош механик, грампластинкаларни прессловчи аёллар, техника назорати бўлимининг контролёрлари, ремонтчи-слесарлар, контролёр-ўлчов асбоблари ва автоматларни созловчилар, электр монтёрлар, печатниклар.


ҲАМЗА РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

ремонтчи-электр монтёрлар, контролёр-ўлчов асбобларини созловчи-слесарлар, технологик асбоб-ускуналар ремонти бўйича слесарлар, қоғоз қирқиш машиналарига хизмат кўрсатувчи ишчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

ПАЗАНДАЛАР ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!



ПАЛОВ ЯХШИ ТАЙЁРЛАНИБДИ, КАБОБ МАЗАЛИ, ХУШТАЪМ БЎЛИБДИ. ХЎРАНДАЛАР «РАҲМАТ» ДЕЙИШЯПТИ.

... Одам гавжум. Уларнинг айримлари овқат олишяпти, айримлари тамадди қилишаяпти. Бу тушлик вақти. Биз учун танаффус дам олиш пайти, умумий овқатланиш ходимлари учун эса айни қизиган вақт. Бу вақтда юзлаб, минглаб одамларнинг қорнини тўйдириш керак.

...Кафелар, ошхона, кабобхона ва чучварахоналар. Қаерга овқатланишга бориш керак? Агар Сиз парранда гўштини ёқтирсангиз, Муқимий кўчасидаги барга, агар кабобни яхши кўрсангиз, Карл Маркс кўчасига боринг. Бу ерда душанба ва сешанбадан бошқа ҳар куни ўзбек пазандалари тайёрлаган таомларнинг ҳақиқий намойиши бўлади. Палов, кабоб, сомса пишиб турибди. Чинорлар соясида, ранг-баранг соябонлар тагида ўтиришнинг ўзгача гашти бор.

Паркларда, марказий кўчаларда, «Мороженое» кафеларида Сизга албатта шарбатлар, музқаймоқ, турли-туман ширинликларни тавсия этишади.

Сизни болаларингиз билан бирга болалар кафесига таклиф этамиз. Бу ерда болалар севимли музқаймоғи, шарбатларгина эмас, болалар учун махсус овқатлар ҳам тайёрланади. Шундай кафелардан бири — Юнусобод массивидаги «Орзу» кафеси. Кафенинг ичи самолёт салонига ўхшатиб безатилган. Ташриф буюрганларга «официант-стюардессалар» хизмат қилади. Болалар учун бу ерда ҳамма нарса қизиқарли, ҳатто кино ҳам кўриш мумкин. Умумий овқатланиш ходимлари Сизни магазинларда ҳам эътиборсиз қолдиришмайди.

Саноат, мебель магазинларида беш минутлик кафелар ишлаб турибди. Шулардан бири Оқтепадаги мебель магазинига жойлашган.

Кулинария магазинлари ва бўлимлари уй бекалари хизматида. Уларда масаллиқлар; гўштли котлетлар, тозаланган сабзавот, сабзи, лавлаги, картошка ва хамир, тайёр қандолат маҳсулотлари, тортлар, пирожное, печеньелар бор.

Тайёр масаллиқлар магазинларининг адресларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Ш. Руставели кўчаси, 8-уй,
М. Горький кўчаси, 228-уй,
Халқлар дўстлиги проспекти, 83-уй,
Ленинград кўчаси («Зарафшон» ресторани қошида),
Юнусобод массиви, «Рябное» кафеси қошида,
Самолётсозлар массиви.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ МАРМАР ЗАВОДИ

Аҳолига завод материали ҳисобига 40х60 см. катталикдаги мармар плиталарига ёзувлар битиб бериш юзасидан

ПУЛЛИ ХИЗМАТ КУРСАТАДИ

Прейскурантга кўра ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 2-переулок, 25-уй, телефонлар: 67-47-06. 67-93-15.

Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти томонидан **Парпиев Алижон Деҳқонович** номига берилган 699846 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Контролер-кассирлар тайёрловчи
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ВА
Озиқ-овқат моллари сотувчиларини тайёрловчи
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

Қабул эълон қилади

ЎҚИШГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

Мактаб-магазинни тамомлаганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва уларга совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришларига имконият яратилади.

Таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 63-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 22, 32, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь» бозори бекати). Телефон 55-75-15.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
1987 ЙИЛ 15 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ҲИНД ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

«ХАБАРЧИ-БУЛУТ» — 12-октябрда, «ВОСТОК» кинотеатрида; 13-15 октябрда, ЎЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ кинотеатрида.

«МАЪСУМА»—12 октябрда, «ВАТАН» кинотеатрида; 13 октябрда, ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ кинотеатрида; 14-15 октябрда, «МОСКВА» кинотеатрида.

«ГАНГ, СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» — 12 октябрда, «ДРУЖБА» кинотеатрида; 13-15 октябрда, «САНЪАТ САРОЙИДА».

«ЕМҒИРЛАР МАВСУМИ» — 12 октябрда, ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ кинотеатрида; 13-15 октябрда, «ДРУЖБА» кинотеатрида.

«САНГАМ» — 12 октябрда, ЎЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ кинотеатрида; 13-15 октябрда, САНЪАТ САРОЙИДА (кичик зал).

«ҲАҚИҚАТ, МУҲАББАТ ВА ГЎЗАЛЛИК»— 12 октябрда, САНЪАТ САРОЙИДА; 13-15 октябрда, «ЧАЙКА» кинотеатрида.

«ПАРОМА» — 12 октябрда «ҚОЗОҒИСТОН» кинотеатрида; 13-15 октябрда «ВАТАН» кинотеатрида.

«ЧАЛА ҲАҚИҚАТ» — 12 октябрда, «НУКУС» кинотеатрида; 13-15 октябрда «ҚОЗОҒИСТОН» кинотеатрида.

«ГЎЗАЛ» — 12 октябрда, «ЧАЙКА» кинотеатрида.

«ШОҲОНА ШИКОР» ва «ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МЕРОСИ» — ҳужжатли фильми — 12-13 октябрда, «МОСКВА» кинотеатрида; 14-15 октябрда — «ВОСТОК» кинотеатрида.

«БОББИ» — 12 октябрда, САНЪАТ САРОЙИДА (кичик зал); 13-15 октябрда — «НУКУС» кинотеатрида.

«НАВРАНГ» —12 октябрда, М. ШАЙХЗОДА НОМЛИ кинотеатрида; 13 октябрда, «ВОСТОК» кинотеатрида; 14-15 октябрда, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ кинотеатрида.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
16, 21, 22, 29 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ
Саид Аҳмад.

КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ

(уч пардали комедия)

БОШ РОЛДА — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати ЗАИНАБ САДРИЕВА.

РОЛЛАРДА — Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Т. ОРИПОВ, П. САИДҚОСИМОВ, Х. ХЎЖАЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Л. БАДАЛОВА, Г. ЖАМИЛОВА, Д. ИСМОИЛОВА, О. ЮНУСОВ, О. ЁҚУБОВ, Т. ЮСУПОВА;

артистлар: Э. КОМИЛОВ, Ё. САЪДИЕВ, Х. НУРМАТОВ, М. ОРИПОВА, Р. АҲМЕДОВА ва бошқалар.

Спектакллар соат 19.00 дан бошланади.
Касса соат 14.00 дан очиқ.
Адрес: Уйғур кўчаси 2-уй. Телефон 44-56-52.

ГИЛАМ—ГЎЗАЛЛИК, ШИНАМЛИК, ҚУЛАЙЛИК ДЕМАК

ЮМШОҚ ГИЛАМ ЁКИ ЁРҚИН РАНГЛИ ПАЛОС УЙИНИ БЕЗАБГИНА ҚОЛМАЙ, ХОНАНИ ИСИТАДИ, ШОВҚИНИНИ ТЎСАДИ.

АГАР ОИЛАДА ЁШ БОЛАЛАР БЎЛСА, УЛАР ГИЛАМ ВА ПАЛОС УСТИДА ТУРЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎЙНАШАДИ.

«Ташхозторг»га қарашли магазинларда ТУРЛИ-ТУМАН ГИЛАМ ВА ПАЛОСЛАР МАВЖУД.

Аммо биринчи учраганини харид қилишга шошилманг. Гилам ёки палос нима мақсадда олинаётганлигини назарда тутиб, танлаш керак: унинг гуллари ва ранги уйдаги мебель, дераза ва эшик пардаларининг ранги, деворларга ёпиштирилган қоғоз гуллари билан уйғунлашиб кетиши лозим.

АГАР СИЗ БУ МАСЛАҲАТЛАРГА АМАЛ ҚИЛИБ, ГИЛАМ ЁКИ ПАЛОС СОТИБ ОЛСАНГИЗ, АМИНМИЗКИ, УЙИНГИЗ БАЙРАМОНА ЧИРОЙЛИ ВА ШИНАМ БЎЛАДИ.



«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-86. «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—09077. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2484. Тираж— 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.